Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 27 июнь шанба

Сотувда эркин нархда № 129 (1910)

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23-25 июнь кунлари расмий ташриф билан Болгария Республикасида бўлди

Сафар арафасида Тошкент, кейинроқ эса София аэропортида журналистлар билан бўлган суҳбатларда таъкидланганидек, Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг Болгарияга ташрифидан кўзланган асосий мақсад икки давлат ўртасидаги муносабатлар ҳамда ҳамкорлик алоқалари ривожи учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиш эди. Эътироф этиш керакки, мақсад амалга ошди.

Дастлаб Бош вазир Иван Костов билан суҳбатда Ўзбекистон-Болгария қўшма комиссиясини тузишга келишиб олинганини ҳам сафарнинг катта муваффақияти сифатида қайд этиш мумкин. Халқ Йиғини раиси Иордан Соколов билан учрашувда эса, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Қонун чиқарувчи олий орган фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон ва Болгария парламентлари вакилларининг давомли мулоқотларини йўлга қўйиш имкониятлари ҳақида сўз юритилди.

Ислом Каримов Софияда ўтказган мулоқотларнинг энг аҳамиятлиси эса, албатта, икки давлат Президентларининг юзма-юз суҳбати бўлди. Давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровдаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ташрифнинг расмий қисми ниҳоясида бўлган матбуот анжуманида яккамаякка мулоқот ҳақида сўз юритилар экан, унинг ғоят дўстона руҳда ўтгани, минтақавий ва дунёвий муаммолар, икки томонлама муносабатлар ва бошқа масалалар хусусида томонларнинг қарашлари ўхшаш ёки бир хил экани намоён бўлганлиги алоҳида қайд этилди.

Дарвоқе, яқин ва истиқболли ҳамкорликдан, узоқ муддатли, мустаҳкам, бирбирига ишонч билан йўғрилган муносабатлардан ҳар икки давлат бирдек манфаатдордир. София аэропортида Ислом Каримов Болгариянинг жуғрофий жойлашуви, транспорт коммуникацияси, мамлакатнинг Европадаги нуфузи Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Ўзбекистон Европага чиқадиган энг яқин, арзон ва қулай йўл деб Болгария йўллари орқали ўтадиган йўналишни билади. Бу, ўз навбатида, Болгария учун Жануби-Шарқий Осиё бозорига чиқиш имконини беради. Чунки икки қитъани боғлайдиган ТРАСЕКА йўналиши яқинда тўла ишга тушади, Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ишлари ҳам жадал суръатларда давом этмоқда.

Софиядаги Қабуллар уйида бўлиб ўтган матбуот анжуманида болгар давлати раҳбари П.Стоянов биз, Европага жўнатиладиган Ўзбекистон товарларининг Болгария портлари ва коммуникациялари орқали ўтишини истаймиз, дегани ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. П.Стоянов мавжуд имкониятлардан фойдаланмас эканмиз, авлодлар бизни кечирмайди, дея ўз сўзларининг мазмун-моҳиятини янада равшанроқ ифода этгани эса ортиқча изоҳ талаб қилмайди.

Ўзаро муносабатларни ривожлантиришга интилиш ҳар икки давлатда ҳам бир хил экани бежиз эмас, чунки бу хайрли ният замирида узоқ даврларга бориб тақаладиган дўстона муносабатлар, халқларимизнинг бир-бирига ҳамоҳанг улкан тарихи, ўхшаш хусусият ва қадриятлари бор. Буларнинг барчаси яқинликка, шерикликкга ундайди. Болгариядаги мулоқотлар давомида икки мамлакатнинг қадимий шаҳарлари ўртасида бевосита биродарлик алоқаларини ўрнатиш фикрлари ҳам кўп бор ўртага ташланди.

Ўхшаш томонлар ҳақида сўз кетганда, конституция ва тараққиёт йўли, унинг шаклу шамойилини ҳам қайд этиш жоиз. Болгария ҳам демократия тамойилларига таянган ҳуқуқий давлат қуриш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, ижтимоий соҳани кенг қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тинчликпарварлик йўлидан бормоқда.

Маълумки, Болгария Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзо бўлиш истагини билдирган. Бу мамлакат раҳбарияти ўз олдига фуқаролари фаровон турмуш кечирадиган, иқтисоди мустаҳкам давлат қуриш мақсадини қўйган. Бунга эришиш эса осон эмас. Лекин иқтисодий юксалиш, ўз хавфсизлиги, мамлакат суверенитети ва дахлсизлигини таъминлаш учун ҳар бир давлат ўзига хос ва ўзига мос йўл тутиши, табиий. Матбуот анжуманида Болгария Президенти П.Стоянов таъкидладики, мамлакат учун қандайдир саъй-ҳаракатлардан чекингандан кўра, Европа Иттифоқи ва НАТО сингари нуфузли халқаро тузилмаларга аъзо бўлиш қулайроқ ва энг муҳими, манфаатлидир. Давлатимиз раҳбари ҳам Болгария раҳбариятининг бу стратегиясини қўллаб-қувватлади.

Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи яна шуниси билан аҳамиятли бўлдики, музокаралар яқинда Президентлар Дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага имзо чекдилар. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Л.Ахметов, маданият ишлари вазири Х.Жўраев, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев, ташқи ишлар вазири А.Комилов, Болгария томонидан маданият ишлари вазири Э.Москова, савдо ва сайёҳлик вазири В.Васильев, транспорт вазири В.Краус маданият, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, савдо, иқтисодиёт, сайёҳлик, автомобилда халқаро йўловчи ва юк ташиш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимлар ҳамда Транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумга имзо чекдилар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон—Болгария муносабатларида шу кунгача бирор келишмовчилик ёки англашилмовчилик юзага келгани йўқ. Лекин шу билан бирга, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойилларини аниқ ифодалаб берадиган ҳужжатлар ҳам йўқ эди. Замон эса қонунга асосланиб иш кўришни талаб қилади, яъни алоқалар ҳуқуқий пойдеворга таяниши лозим. Президентимизнинг Софияга сафари мобайнида еттита муҳим ҳужжат имзоланиши бу борадаги хайрли ишларнинг бошланишидан далолатдир.

Ўзаро муносабатларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий замини яратилгани Ўзбекистон учун нечоғли муҳим аҳамият касб этишини қуйидаги мисолдан ҳам англаш мумкин. Маълумки, жаҳон бозорига чиқиш — бой табиий заҳирага, улкан иқтисодий ва ақлий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон учун жуда муҳим ва айни пайтда кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Болгариянинг Қора денгиз бўйидаги ҳудудларида эса замонавий портлар мавжуд. Табиийки, Ўзбекистон—Туркманистон—Озарбойжон—Грузия йўналиши Қора денгиз орқали Болгария ҳудудида давом этса, бу мамлакатимиз учун ҳам қулай, ҳам фойдали бўлади. Чунки сир эмас: айрим ҳолларда четга маҳсулот чиқариш ёки хориждан товар олиб келишнинг йўлкираси товарнинг баҳосидан ҳам ошиб кетади. Шу боис, юртбошимиз таъкидладики, Болгария билан муносабатларни мустаҳкамлаш давлатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

София сафаридаги самарали мулоқотлардан яна бири Миллий маданият уйида бўлиб ўтди. Бу ерда Ислом Каримов маҳаллий ишбилармонлар билан учрашди. Юртбошимиз мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистонда ҳукм сурган иқтисодий вазият ҳамда кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўзлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари болгар ишбилармонларини ўзбекистонлик ҳамкасблари билан янада яқинроқ ҳамкорлик ўрнатиш, шериклик муносабатларини кучайтиришга даъват этди. Бунинг учун Ўзбекистонда барқарор иқтисодий муҳит қарор топган, қулай шарт-шароит ва ҳуқуқий асос яратилган.

Болгарияга сафар чоғида Ислом Каримов мамлакатнинг йирик порт шаҳарларидан бири — Варнада бўлди. Давлатимиз раҳбари Президент П.Стоянов ҳамроҳлигида Ферибот мажмуини бориб кўрди. Шу кунгача мазкур мажмуа орқали 40 миллион тоннага яқин юк ташилган. Унинг тасарруфидаги улкан паромлар юздан ортиқ вагонни ўз ичига сиғдира олади. Президентимиз "Одесса қаҳрамони" паромида бўлганида унинг имкониятлари, фаолияти, иш суръати, сиғими ва бошқа хусусиятлари билан танишди.

Маълумки, денгиз орқали юк ташиш энг арзон ва энг қулай йўлдир. Биргина паромни олайлик. Ундаги имкониятларни самолётда ҳам, автомобиль ёки поездда ҳам топиб бўлмайди. Чунки бу воситаларнинг барчаси бошқа давлатлар ҳудудидан ўтади. Божхона солиқлари, транзит ва бошқа тўловлар эса ташилаётган юкнинг баҳосини ошираверади. Паром ёки кема орқали эса, аксинча, ортиқча сарф-харажат талаб қилинмайди. Афсуски, юртимизда тўғридан-тўғри денгизга чиқиладиган йўл йўқ. Президентимизнинг коммуникация масаласига ниҳоятда катта эътибор билан қараб, ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш, Буюк Ипак йўлини тиклаш борасида ташаббускорлик кўрсатгани, хорижий давлатларни бу борада ҳамкорликка даъват этаётганининг боиси ҳам ана шунда. Булар ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Ислом Каримов София аэропортининг ўзидаёқ Евроосиё йўлаги хаёлот эмас, дея баёнот берди.

Икки давлат Президентларининг яккама-якка суҳбати чоғида Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига қўшилиши масаласини ўртага ташлагани ҳам маълум бўлди. Мазкур ташкилот Қора денгиз бўйидаги давлатлар ташаббуси билан тузилган. Яқинда Украинанинг Ялта шаҳрида мазкур ташкилотнинг Низоми қабул қилиниб, янги тузилма қонуний тарзда ўз фаолиятини бошлади. Болгария эса айни вақтда унга раислик қилмоқда. П.Стоянов Ўзбекистон раҳбари билдирган таклифни қўллаб-қувватлади.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг Болгария сафари натижаларига назар ташланса, расман еттита ҳужжат имзоланган эса-да, муҳокама этилган масалалар ва келишувлар бундан бирмунча кўпроқ экани аён бўлади. Бу эса ташрифнинг аҳамиятини янада оширади. Зотан, ўзаро муносабатлардаги бундай юксалиш тарихий зарурат ҳам эди. Ислом Каримовнинг биз юксалиш талаб қилаётган жараённи жадаллаштиришга интилмоқдамиз, деган сўзлари замирида ҳам ана шу ҳақиқат ётади.

Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи якунлари ҳақида сўз кетганда яна бир жиҳатга тўхталиш лозим. Дўст мамлакатда мазкур ташрифга катта аҳамият берилди ва алоҳида эътибор билан қаралди. Оммавий ахборот воситаларида унга кенг ўрин ажратилди. Бу ўзаро дўстликнинг мустаҳкамлиги, яқинликка интилиш ва муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш истаги нечоғли самимий эканини кўрсатади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент—София—Варна—Тошкент.

СУРАТДА: Президентлар учрашуви.
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!
Қадрли журналистлар ва матбаачилар!

Сизларни касб байрамингиз — матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман. Зотан, бу байрам нафақат сизлар, балки бутун халқимиз ҳуррият, озодлик, сўз ва фикр эркинлиги рамзи сифатида нишонлайдиган қутлуғ кундир.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида одамларимиз онги ва тафаккурида кескин бурилиш юз берди. Жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий жиҳатдан тобора соғломлашди. Бу кундалик ҳаётимизда ҳам, мақсад ва интилишларимизу фуқароларимиз руҳиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Кишилар қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор ҳисси тобора кучайди.

Ана шундай жиддий маънавий-руҳий янгиланишларда журналистлар ва матбаачиларнинг ўз ўрни бор. Улар янгиликлар жарчиси, ислоҳотлар тарғиботчиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида ва шу билан ҳаётий муаммоларга онгли ёндошувчи ёшларни тарбиялашда фаолият кўрсатмоқда.

Шуни мамнуният билан айтаманки, истиқлолнинг ўтган даврида журналистларимизнинг ҳам тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Матбуотимиз тобора миллий шакл, миллий мазмун, миллий қиёфа касб этиб бормоқда.

Янги XXI аср ақл-идрок, маънавият ва тафаккур асри — соғлом мустақил фикр, соғлом ғоя, умуминсоний қадриятларга таянган тафаккур тантана қиладиган аср бўлади. Ана шундай пайтда ҳаётимизда матбуотнинг роли яна ҳам ошади. Унинг вазифаси ва жамият олдидаги масъулияти кенгаяди. Журналист сўзининг салмоғи ошади. Шундай экан, матбуотимиз ўзининг иқтидорини, куч-қудратини, бутун салоҳиятини, тажрибаларини бойитиб бориши шубҳасиз.

Азиз дўстлар!

Сизларни касб байрамларингиз билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга тинчлик-омонлик, ижодингизга барака, жамият ва халқ олдидаги ғоятда масъулиятли ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Байрам ўз номи билан байрам-да. Инсон одатда шу куни кўнглидаги гапни тўкиб солгиси, кувонч улашгиси, янгиликлардан бошқаларни ҳам огоҳ этгиси келади. Биз бугун ҳамкасбларимизга ана шундай имконият бердик.

АВВАЛ ИНСОН, КЕЙИН СЎЗ...

«Қўксарой» ҳуқуқий газетаси ташкил этилганига бир йилдан сал ошди. Лекин айтиш лозимки, у ўзининг ҳақиқий мухлисларига ўткир ва адолатли сўзи боис эришди. Ҳуқуқий давлат қураётган бир пайтда республикадаги каби вилоятларда ҳам ана шундай нашрларга зарурат туғилганди.

Байрам куни ҳамкасбларимизни қутлаш билан бирга юрагим тубидаги бир сўзни ҳам айтгим келаяпти:

— Аввало, бир-биримизни қадрлайлик. Ва ундан кейин Сўз қадрини ҳис этиб яшайлик.

Фармон ТОШЕВ,
Самарқанддаги «Қўксарой» газетаси муҳаррири.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Газетамиз нафақат вилоятда, республикамизда ҳам ўзига хос қиёфасига, тарихига эга оммавий нашрлардан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти даври қийинчиликлари бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Қийинчиликларга қарамай соғлом руҳни, айниқса, ижодий жамоани тўла сақлаб қолдик.

Байрам арафасида жамоамизда яна бир қувончли воқеа рўй берди. Газета Марғилон шаҳар босмахонасида офсет усулида чоп этила бошлади. Бу биз ижодкорлар билан бирга, кўп сонли туман газетаси муштарийлари учун ҳам қўшалоқ байрам бўлди.

Муқимжон НУРМАТОВ,
Фарғона вилояти, Тошлоқ туман «Тошлоқ тонги» газетаси бош муҳаррири.

ИККИ МИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛДИ

Жиззах шаҳрининг Ҳамзаобод маҳалласи ғузарида оммавий ахборот воситалари вакилларининг вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Шавкат Мирзиёев билан жонли мулоқоти бўлиб ўтди. Бир пиёла чой устидаги ошкора суҳбат чоғида вилоят раҳбари журналистлар эътиборини юртбошимизнинг «Тафаккур» журнали мухбири саволларига берган жавоблари, Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган аниқ вазифаларга қаратди.

Байрам муносабати билан ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят ҳокими маҳаллий газеталар, вилоят телевидениеси ва радиосига икки миллион сўмдан зиёд маблағ ажратганини айтди.

Ҳойитбой НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Телефонларимиз:
133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

«Соат миллари»ни Исмат ХУДОЁРОВ кузатди.

БОШ ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

Қирғизистон пойтахтида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномада иштирок этувчи давлатлар — Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Бош вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов, Қозоғистон Бош вазири Н.Балгимбаев, Қирғизистон Бош вазири К.Жумалиев ва Тожикистон Бош вазири Я.Азимов раҳбарлигидаги делегациялар иштирок этди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари энергетика тизимларининг мавозий иши тўғрисидаги ҳукуматлараро битим лойиҳаси кўриб чиқилди. Энергетика тизимларининг мавозий ишлаши истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз ва сифатли таъминлашга имкон беради. Янги меъёрий-ҳуқуқий асоснинг яратилиши минтақада энергетика ресурсларининг ягона бозорини шакллантиришга кўмак бермоғи лозим.

Мажлисда иқтисодий интеграциянинг янгиланган дастури муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди. Бу дастур эндиликда 43 лойиҳадан иборат. Улар иштирокчи мамлакатлар, шу жумладан, Шартноманинг янги иштирокчиси бўлган Тожикистон томонидан таклиф қилинган.

Анжуманда минтақа давлатлари ўз олдига қўйган мақсадларга биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан эришишда Шартномада иштирок этувчи давлатлар куч-ғайратларини бирлаштирадиган давлатлараро илмий-техникавий дастурлар, илмий ташкилотлар тузиш ва уларнинг мақомини белгилаш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Мажлисда иштирокчи давлатлар аҳолиси соғлиғини сақлаш, санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, иқтисодий ва экологик барқарорликни таъминлаш, минтақада ишчи кучларининг эркин ҳаракати учун шароит яратиш соҳасида ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш масалалари, шунингдек, учрашув кун тартибига киритилган бошқа бир қанча долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди. Музокаралар якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Марказий Осиёдаги тўрт давлат ҳукумат делегацияларининг раҳбарларини Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ягона иқтисодий маконни вужудга келтирган мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини янада жиплаштириш масалалари муҳокама қилинди.

ЎзА — "Жаҳон"

РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИ КЕНГАШИ

Андижонда дон етиштиришни кўпайтириш, ғалла уруғчилигини янада яхшилаш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, дон маҳсулотлари бошқармалари, мутасадди вазирликлар ва идоралар, илмий-текшириш институтлари ҳамда йирик хўжаликлар раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Кенгашни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И.Жўрабеков бошқарди.

Анжуманда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Андижон ва Фарғона вилоятлари деҳқонлари билан бўлган учрашувларида ғаллакорлар ва қишлоқ хўжалиги ходимлари олдига қўйган вазифаларни изчиллик билан бажариш масалалари муҳокама этилди.

Кенгашда таъкидлангандек, мамлакатимизда иқтисодий мустақилликни янада мустаҳкамлаш, ғалла мустақиллигига эришишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик вазифанинг ҳал этилиши Ватанимизни янада равнақ топтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Республикамизда 1 миллион 100 минг гектар суғориладиган ерга дон экилаётир. Бу майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 40 центнердан ҳосил кўтарилганида ҳам жами 4,4 миллион тонна ғалла ячиб олиниши мумкин. Бу эса, аввало, дон уруғчилигини ривожлантириш, ғалланинг мўл ҳосилли навларини яратишни тақозо этади.

Семинар қатнашчилари Асака ва Шаҳрихон туманларининг бир қанча хўжаликлари далаларида бўлиб, буғдойнинг истиқболли, тезпишар навларини парваришлаш тажрибаси билан танишдилар. Балиқчи туманида бўлиб ўтган якуний йиғилишда мамлакат бўйича ғалла уруғчилигининг ягона самарали тизимини вужудга келтириш, турли ҳудудлар табиий шароитларини назарда тутган ҳолда сара дон уруғларини яратиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов, Андижон вилояти ҳокими К.Обидов қатнашди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

ҚУТЛАЙМИЗ!

"Йилнинг энг яхши журналисти"

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган "Йилнинг энг яхши журналисти—97" танлови якунланди. Танловда республикамизнинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида яшаб ижод қилаётган юзга яқин журналист, фотожурналист иштирок этди.

Мустақил Ватанимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишларини, жўшқин ҳаёт манзараларини оммавий ахборот воситаларида кенг ва ҳаққоний ёритаётган, ўз ижод маҳсуллари билан матбуотимизнинг янада демократлашувига ҳисса қўшаётган энг фаол, энг маҳоратли журналистлар танловда совриндор бўлдилар.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

Қуддус Аъзамов — Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси, "Юзма-юз", "Акс садо" мунтазам кўрсатувлари учун;

Нигина Бойқобулова — "Правда Востока" газетаси ходими, халқаро мавзудаги таҳлилий мақолалари учун;

Назира Хўжаева — ЎзА-нинг Наманган вилоятидаги мухбири, ижтимоий-иқтисодий мавзудаги мақолалари учун;

Икром Ўтбосаров — "Халқ сўзи" газетаси бўлим мудири, иқтисодий мавзудаги мақолалар туркуми учун.

ИККИНЧИ МУКОФОТ СОВРИНДОРЛАРИ:

Маҳмуд Абулфайз ("Оила ва жамият"), Тимур Греков (Ўзрадио), Гулчеҳра Жамилова ("Саодат"), Гулнора Маҳкамова (ЎзТВ), Тошпўлат Раҳматуллаев ("Самарқанд"), Тўхтамурод Тошев ("Адолат"), Аъло Хўжаев ("Ташкентская правда"), Олег Шатуновский — ("Жаҳон" ахборот агентлиги).

УЧИНЧИ МУКОФОТ СОВРИНДОРЛАРИ:

Абдимутал Абдуллаев ("Андижоннома"), Маҳмуд Жўраев ("Қишлоқ ҳаёти"), Қулназар Иброҳимов ("Нурли жол"), Саидмурод Норбоев ("Жиззах ҳақиқати"), Даврон Орипов ("Ҳуррият"), Омирбой Отеулиев ("Еркин Қорақалпоқистон"), Алимқул Султонов ("Ўзбекистон овози"), Саидмурод Тиллахўжаев (Ўзрадио), Абдувоҳид Тўраев (ЎзА), Раим Фарҳодий ("Народное слово"), Шерзод Қудратхўжаев (ЎзТВ), Алиназар Эгамназаров ("Қомус").

Мукофот муборак, азиз ҳамкасблар!

(ЎзА)

ДАЛАЛАРДА КЕЗАР НОН ҲИДИ...

РЕПОРТАЖ

Гулистон туманидаги «Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси далалари Сирдарё соҳилида жойлашган. Хўжаликда бўлганимизда ғалла ўрими айни авж паллада эди. Беҳудуд далалардаги тилла бошоқлар дарёдан эсган шабодада енгил тебранади.

Яқинлашиб келаётган комбайнга бирлашма раиси Сайдулла Ҳасанбоев «Бир нафас тўхтанг» дегандай қўл силкитди. Ёнимизда тўхтаган комбайндан оқ қийиқчага юз ва бўйнидаги терларини артганча бир йигит тушиб келди.

Ҳол-аҳвол сўрашдик. Механизаторнинг исми-шарифи Ўктам Тоғаев экан. Вақт тиғизлигидан қисқа-қисқа савол-жавоб қилдик.

— Ҳозирча 100 тоннага яқин ғалла янчдим. Ишқилиб ишимизнинг барорини берсин. Бу йил ҳосил чакки эмас. Камида 40-45 центнердан хирмон кўтарамиз. Мана, Қўшмамат Абдиев ҳам гапимни тасдиқлаши мумкин.

— Ҳам давлатнинг, ҳам одамларнинг омбори донга тўлса бўлди-да, — деди оилавий пудрат асосида ишлаётган Қўшмамат Абдиев. — Элда бўлса эвини қиласан, деган гап бор, ахир. Раисимиз Сайдулла Ҳасанбоев хўжаликдаги ҳар бир ишловчига камида 200 килодан буғдой тарқатаман, деб ваъда берган. Деҳқонга нима керак: аввало юрт тинч бўлсин, ҳосил мўл бўлсин. Бола-чақасининг қорни тўқ, эгни бут бўлсин. Меҳнатни эса бизларга қўйиб бераверишсин. Мана, шу 16 гектар ерга ўзим, ўғилларим Эркин ва Икромжонлар беш маротаба сув қўйдик, вақтида дориладик. Ҳосил ёмон эмас. Ўтган йили 15-20 центнер атрофида ғалла олиб, оғзимизни очиб қолавергандик. Бу йил мирзачўллик деҳқонларнинг омади чопадиганга ўхшайди.



— Қўшмамат ака, сиз ҳам бир дегандан 200 килограммдан буғдой тарқатилади, деб овоза қилманг. Мен ҳозирча 150 килограммни мўлжаллаб турибман. Ахир, 650 одамга шунчадан дон тарқатиш ҳам ҳазил гап эмас. Қолганини кўраверамиз. Мана, давлатнинг буюртмасини бажариб олдик. Қолгани элу халқники-да. Туманда ҳеч кимга этагимизни тутқазмай биринчи бораяпмиз, ахир...

Икки суҳбатдош билан хайрлашдик. Қўшмамат Абдиев механизаторнинг ёнига чиқиб олди. Бирлашма раиси билан дала айландик. Ҳосил ҳақиқатдан ҳам яхши бўлибди. У ер-бу ерда учраган шўраларни бирлашма раиси юлиб ташларкан, қўли билан дарё томонни кўрсатди.

— Меҳмон, сизга бир гапни айтсам, балки ишонмассиз. Бирлашмамизнинг салкам 700 гектар майдони дарёдан насослар ёрдамида сув ичади. Бунинг нақадар қийин юмуш эканлигини биласиз. Ўтган йиллари айни экин суғориладиган маҳалда дарёнинг суви камайиб кетди. Оқар сув билан қанча жойни ҳам эплаш мумкин, ахир. Қолаверса, оқар сув бир неча хўжалик ўртасида тенг тақсимлаб қўйилган. Бирор ҳовучини ортиқча ололмайсиз. Ерларимизнинг айрим жойлари шўрланган. Ботқоқ ва гипсли жойлар ҳам бор. Лекин мен деҳқонларимизга юрак-юракдан раҳмат айтаман. Улар мана шундай қийин шароитда ҳам минг тоннага яқин ғалла етиштиришга қатъий бел боғлашган. Рустам Райимқулов, Равшан Бойматов сингари оилавий пудрат аъзолари ҳам аллақачон давлат буюртмасини ошириб бажаришди...

Бозорбой Турсунқулов етакчилик қилаётган бригада майдонига ўтишимиз билан яна қулоқларимизга тўрғай навоси эшитилди. Кафтимизни пешонамизга соябон қилиб осмонга қарадик. Бироқ у ерда ер меҳрини, одамлар меҳрини қуёш сари олиб учган қушни кўролмадик. Офтоб нурлари кўзимизни қамаштириб юборди. Бизга қарама-қарши келаётган киши Бозорбой Турсунқулов экан.

— Мухбир ука, сиз ҳали гектаридан 40 центнердан ҳосил бераётганларни ёзиб юрибсизми? Ёзсангиз, мана бизларни ёзинг. 22 гектардан камида 50 центнердан кам ҳосил берсак, бригадирликни топширмоқчи бўлиб турибмиз, — дея шарақлаб кулди Бозорбой Турсунқулов. — Яна гапларимни газетага ёзиб юборманг. Ростини айтсам, бу ерлардан 40 центнердан ҳосил кўтаришнинг ўзи бўлмайди. Хўжалик гуруч, ун, ёғнинг орқасини узмай беріб турибди. Озми-кўпми, меҳнатимизга яраша пулимизни ҳам олаяпмиз. Ғалла, пахта планини бажарсак, рўзғоримиз ҳозиргидан ҳам бут, ҳаётимиз тўкин бўлади. Шундай эмасми?..

Сайдулла Ҳасанбоев билан қишлоққа қайтдик. Ғалла ва пахта далаларининг охири кўринмайди. Уфқнинг ортида эса Сирдарё ёйилиб оқиб ётибди. Ажаб, инсоннинг кўнгил тўқлиги, бахтиёрлиги учун бундай олиб қаралса, ҳамма нарса камлик қилади. Бугунни ўйлаган, эртадан умидвор бўлган мана бу одамлар эса далаларда денгиздек чайқалаётган бошоқлардан, хирмонга тўкилаётган дондан кўнгиллари қувончларга тўлиб бормоқда.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

28 июнь – Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни

Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш Жиззахдаги «Мир Улуғбек» хусусий ишлаб чиқариш-савдо фирмасининг асосий мақсади ҳисобланади. Яқинда фирма ташаббуси билан «Саломатлик ва гўзаллик» маркази қуриб фойдаланишга топширилди. Мазкур марказда тиш даволаш поликлиникаси, сауна, сартарошхона, тикувчилик цехи, дорихона, суратхона иш бошлади. «Мир Улуғбек»нинг хизматидан барча хурсанд.

СУРАТЛАРДА: фирма директори Мирзаали Оқилов ва марказ раҳбари Марҳаматой Оқилова; аёллар сартароши Ирина Лавигина; «Саломатлик ва гўзаллик» марказининг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЯНГИ ШАРОИТ, ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 апрелдаги 422-сонли Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда июнь ойининг охирги якшанбаси «Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни» деб белгиланган. Шу муносабат билан биз «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси раиси Зафар ФАЙЗИЕВдан бир неча саволларга жавоб беришини илтимос қилдик.

— Зафар Омонович, аввало, савдо соҳасида рўй берган ўзгаришлар, аҳолини озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасида қилинаётган ишлар хусусида сўзлаб берсангиз?

— Маълумки, 1992 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги Собиқ Иттифоқ Савдо вазирлиги таркибига кирарди. Бошқача айтганда, у молия-хўжалик фаолиятини ана шу юқори ташкилотнинг кўрсатмалари асосида олиб борар, барча фондлар ҳам «Марказ» томонидан ажратилар эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, янги шароит янгича муносабатларни талаб этди. Яъни, аҳолига савдо хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, республика бозорини халқ истеъмол моллари билан тўлдириш, тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, барча мулкчилик шаклидаги савдо корхоналарида ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришдек муҳим масалалар кун тартибига қўйилди. Бу вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида Президентимизнинг 1992 йил 5 майдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 8 майдаги 227-сонли қарорига кўра, собиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги Ўзбекистон «Савдо» давлат-акционерлик уюшмаси («Ўзбексавдо»)га айлантирилди.

Бу билан нимага эришилди? Икки-уч йил мобайнида барча савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, дўконлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳақиқий эгаларига топширилди. Натижада турли матлубот жамиятлари, бошқармалар, «торг» ва «трест»лар хизматига ҳожат қолмади. Улар жамоа ва хусусий корхоналар, акционерлик жамиятлари, улгуржи-чакана савдо бирлашмалари, ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концернларига айлантирилди.

Бугунги кунда ҳар бир савдо шохобчаси, дўкон ишлаб чиқарувчилар, завод ва фабрикалар билан тўғридан-тўғри алоқа боғлаб, керакли маҳсулотни олгач, ўзининг сарф-харажатларини ҳисобга олган ҳолда нарх белгилаб, ҳалол даромадини топавериши мумкин. Илгаригидек, кимларгадир «салом» бериши, қуллуқ қилиши шарт эмас. Фақат солиқларни вақтида, тўғри миқдорда тўласа, санитария-гигиена қоидаларига амал қилса, бас.

Шу билан бирга, 1992 йилнинг 16 январидан бошлаб барча турдаги маҳсулотларга шартномавий (эркин) нархлар жорий этилди. Лекин аҳолининг кундалик ҳаёти учун энг зарур бўлган маҳсулотлар: нон, ун, макарон маҳсулотлари, сут, хўжалик совуни, ип газламалар, болалар кийимлари, калишлар ва бошқа айрим товарларга чегараланган чакана нархлар сақланиб қолди.

Республика ташқарисидан келтирилаётган шартномавий маҳсулотларнинг нархлари билан чакана савдодаги нархлар ўртасидаги тафовутлар Молия вазирлиги томонидан бюджетдан қопланиб борилди. Масалан, 1995 йилнинг 4-чорагида 1 килограмм гўштнинг харид нархи 52 сўмни ташкил этган ҳолда, савдо тармоқларига 25 сўмдан чиқарилди (тафовут 27сўм), қуруқ сут 51 сўм ўрнига 7 сўмдан (-44 сўм), болалар овқати 158 сўм ўрнига 25 сўмдан (-133 сўм) сотилди.

1994 йилдан бошлаб савдо корхоналари халқ истеъмол моллари горижлар хамкорларидан тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида келтира бошладилар. Жумладан, 1997 йилда хориждан 30,1 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 14,3 минг тонна сариёғ, 2,1 тонна қуруқ сут, 223 минг тонна шакар, 22 минг тонна ўсимлик ёғи олинди.

Яна шуни қўшимча қилиш керакки, 1995 йилдан бошлаб барча товарлар, савдо корхоналари томонидан тегишли харажатлар инобатга олинган ҳолда, эркин нархларда савдо қилинмоқда. Фақат ун, нон ва пахта ёғига белгиланган нархлар сақланиб қолинган. 1996 йилнинг февраль ойида эса энг зарур 8 хил маҳсулот билан савдони янада яхшилаш мақсадида Президентимиз томонидан 2 йил муддатда қайтариб бериш шарти билан 500 миллион сўм айланма маблағ ажратилди.

— Президентимизнинг 1997 йил 19 декабрдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги 561-сонли қарорига мувофиқ, «Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясига айлантирилди. Сабаби нимада?

— Сабаби шундаки, бу пайтга келиб, савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш, рақобатни кучайтириш, республика истеъмол бозорини тўлдиришда маҳаллий бошқарув ташкилотлари ва корхоналарининг хўжалик мустақиллигини оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Сиз тилга олган ҳужжатлар айни шу мақсадни кўзда тутадики, шу жиҳатдан улар ғоят аҳамиятлидир.

— Компания тизимига қайси ташкилотлар киради? Умуман, компаниянинг асосий вазифалари нималардан иборат?

— «Наврўз» савдо-ишлаб чиқариш мажмуи, «Савдо тараққиёти», «Савдо нашриёти» республика бирлашмалари ва «Гўштсутсавдо»давлат акциядорлик бирлашмасининг корхоналари компаниямиз тасарруфидадир. Энди асосий вазифаларимизга тўхталсак, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда харид қилиш соҳасида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, фан-техника тараққиёти ютуқларини, савдо-сотиқни такомиллаштириш борасидаги жаҳон тажрибасини тармоққа жорий этиш, тегишли қўмиталар билан биргаликда истеъмол товарларини сотиш қоидалари ва меъёрий харажатларни ишлаб чиқиш, «Гўштсутсавдо» тизими совутиш хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, савдо иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда ягона техникавий сиёсатни юритиш, технологик савдо ускуналарини таъмирлаш ва тайёрлашда тармоқ корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш, реклама-ноширлик фаолиятини амалга ошириш шулар сирасига киради.

— Вилоятлардаги савдо-ишлаб чиқариш концернлари тақдири қандай кечди?

— Улар ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик компаниялари мақомини олди. «Тошкентсавдо» концерни эса тугатилиб, унинг барча вазифалари янгидан ташкил этилган Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти зиммасига юклатилди.

— Уюшманинг компанияга айлантирилганига ярим йилдан ошди. Ўтган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Фақат шу йилнинг 1-чорагида «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси бўйича чакана савдо товар оборoти 250,4 млн.сўмдан зиёдни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 176,7 фоизга тенг. Товар заҳиралари 1998 йил 1 январь ҳолатига кўра, 2 млрд. 630 млн. сўмни ташкил этган бўлса, шундан 2 млрд. 614 млн. сўмлиги озиқ-овқат маҳсулотларидир. Истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш борасида эса марказлашмаган манбалардан қўшимча равишда 1 млрд. 140 млн.сўмлик энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилинди.

Компаниямиз меҳнат аҳли бундан буён ҳам республика аҳолисини зарур озиқ-овқат ва ноозиқ маҳсулотлари билан таъминлаш, бунинг учун тармоққа қарашли саноат корхоналарида халқимизга манзур бўладиган, сифатли товарлар ишлаб чиқариш йўлида ғайраттшижоат кўрсатаверади.

«Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.

АЛЛОМА ХОТИРАСИГА

Беруний тумани (Қорақалпоғистон Республикаси) марказида буюк аллома Абу Райҳон Беруний номидаги музей-мажмуа қурилиши бошланди. Бу меъморий мажмуа Шарқнинг буюк қомусий олиминнинг қабри ёнида қад тикламоқда.

Маълумки, алломанинг астрономия, математика, геодезия, география, минералогия, картография, метериология, тарих, этнография, адабиёт, философия ва тиббиёт соҳасидаги тадқиқотлари Шарқ фани ва маданияти юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг кўплаб асарлари бизгача етиб келган ва турли тилларда қайта-қайта нашр этилган.

Шу туфайли олим хотирасига тикланаётган музей-мажмуага Шарқнинг гўзал меъморий санъатлари асосида зеб берилади. Кузга яқин бу ерда Абу Райҳон Беруний истироҳат боғи ҳам барпо этилади ва айнан шу боғда халқаро берунийхонлик анжумани ҳам ўтказилади.

СУРАТЛАРДА: музей-мажмуа қурилишида.
А. МУРАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Ёки Бухоро вилоят хўжалик суди фаолиятида юз бераётган айрим камчиликлар хусусида

Хўжалик судлари олдига қонунга риоя этиш борасида алоҳида талаблар қўйилган. Бинобарин, Ўзбекистон Конституциясига биноан одил судлов судлар томонидан амалга оширилади ва суд фақат қонунга бўйсунади. Шундай экан, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари қаторида судьялар зиммасига ҳам қонуннинг ҳар бир ҳарфига риоя этишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Ҳозирги кунда буни ўринлатиб уддалаётган хўжалик судлари ва судьялар оз эмас. Бироқ, минг афсуски, баъзан бунинг аксини кўряпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида республика хўжалик судлари бу йўналишда етарли иш олиб бормаётганликлари таъкидланади. Айрим судларнинг фаолиятида расмиятчилик, сансалорлик, ҳуқуқий нигилизм ва ишларни кўришга юзаки ёндашиш иллатлари ҳамон давом этаяпти. Акс ҳолда шартнома тузган томонлардан бири ўз мажбуриятларини бажариб, иккинчи томон шартномани бажармаган тақдирда хўжалик суди ҳақ-ҳуқуқлари бузилган юридик шахснинг ёнини олиб, унинг ҳимоясига отланган бўлар эди. Аммо баъзан суд айнан шартнома мажбуриятларини бузган юридик шахснинг ёнини олиб, бу билан уни тўлов ва ҳисоб-китоб интизомига риоя этиш мажбуриятидан озод этиб қўймоқда. Бунга мисоллар етарли. Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Бухоро вилоят кенгаши билан Ромитан туманидаги «Камолот» акциядорлик жамияти 1996 йил 25 апрелда ўзаро шартнома тузди. Унга мувофиқ ихтирочилар ўз зиммаларига олган мажбуриятни бажариб, «Камолот»га қарашли ғишт заводининг доира печи қопламасини таъмирлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишди. Аммо «Камолот» бажарилган иш учун ўз зиммасига олган ҳақ тўлаш мажбуриятини бажармади. Ихтирочилар жамияти вилоят хўжалик судига «Камолот» устидан даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Дастлаб суд даъвогарнинг талабини қондирди. Ҳангома шундан кейин бошланди. Суднинг қарори беш ой мобайнида ижро этилмади. Сўнгра суд шикоят аризаси бериш учун ўтиб кетган муддатни асоссиз равишда тиклаб, ўз қарорини қайта кўриб чиқади ва уни бекор қилади. Бунинг устига даъвони ҳам рад этади. Бу иш юзасидан судда раислик қилувчи Л. Алиева ҳатто йўқ ердан далил топишгача бориб етади. У гўё қарздор томондан асосий қарз суммаси тўланган, деган далилни келтиради.

Ихтирочилар кенгашидагилар бу далилнинг ёлғонлигини, «Камолот» бажарилган иш учун ҳеч қандай ҳақ тўламаганлигини исботлаш учун икки ой оворaю сарсон бўлдилар. Фақат улар бу сафар ўзларининг ҳақ эканликларини республика Олий хўжалик судида исботлашди. 1998 йил 28 январда Олий хўжалик суди ҳайъати Бухоро вилоят хўжалик судининг қарорини қайта кўриб чиқди ва ихтирочилар фойдасига қарор чиқарди. Лекин у уч ойдан ортиқ вақт давомида ижро этилмади. 24 март куни, бу сафар Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари М. Азимов Олий хўжалик суди кенгаши номига протест билдириб, 404/1 -рақамли иш бўйича 28 январда қабул қилинган қарорни бекор қилишни, вилоят хўжалик судининг 1997 йил 26 ноябрдаги қарорини ўз хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Аввалига суд даъвони қаноатлантирди, бироқ иш ижрога келганда яна ҳангома бошланиб, жавобгарнинг шикоят бериш муддати тикланди. Суд қарздорни ҳимоя қилишга ўтиб олди ва даъвони бекор қилди. «Янгиобод»га эса ҳақиқатни республика Олий хўжалик судида қарор топтиришига тўғри келди. Табиийки, бунга эришиш ҳам осон кечгани йўқ. 1997 йил 22 майда бошланган иш орадан олти ойдан зиёд вақт ўтиб, ниҳоясига етди. Олий хўжалик суди ҳайъати вилоят хўжалик судининг қарорини бекор қилди. Аммо Олий хўжалик судининг бу янги қарори ҳам ҳамон ижро этилгани йўқ. Худди шунингдек, республика Олий хўжалик суди ҳайъатининг 1996 йил 15 ноябрда 590/3-рақамли иш бўйича ҳамда 1997 йил 11 мартда 49/1-рақамли иш бўйича чиқарган қарорлари ҳам вилоят хўжалик суди томонидан ижро этилмай келмоқда. Қарздорлар — «Нури зиё» ва «Оянда СО» хусусий фирмалари, табиийки, ялло қилиб юришибди.

Хўжалик судларининг айрим судьялари баъзан қонунчида қолдиришни сўради.

Галаосиё шаҳридаги «Янгиобод» хусусий фирмаси 1997 йил 3 мартда ўзаро тузилган шартномага мувофиқ Когон туманидаги «20-трест» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 12-кўчма механизациялашган колоннага тракторлар учун эҳтиёт қисмлари етказиб берди. Аммо кўчма колонна маҳсулот ҳақини тўлашдан бош тортди. «Янгиобод» фирмаси вилоят мажбуриятларини ижро этишни талаб қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилишини тан олгилари келмайди ва Фуқаролик кодексининг 1-моддасини негадир унутадилар. Бу моддада эса аниқ-равшан қилиб қуйидагилар битилган: «Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эркларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар, шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар».

Хўжалик судлари баъзи бир ишларни йиллаб кўришади. Масалан, 132/3-рақамли иш вилоят хўжалик судида қарийб икки йил мобайнида кўрилди. Бу ишга кўра вилоят йўл бошқармаси «Добрые услуги» кооперативининг ҳудуди ва биносига даъвогарлик қилар эди. Суд низони кўриб чиқишда кооператив бу ҳудудга эгалиқ қилган давр мобайнида ривожланган хизмат тармоғини шакллантирганлигини мутлақо ҳисобга олмади. Ҳолбуки, бу вақтга келиб «Добрые услуги» ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйган ҳамда у тайёрлаган керамик плиталар шаҳарнинг каттагина ҳудудига ётқизилган эди. Вилоят хўжалик суди ўз ҳаракатлари билан ана шундай бир йўлга қўйилган ишлаб чиқаришни издан чиқарди. Меҳнат жамоаси ва ишлаб чиқариш депсиниб қолди. Ишчи-хизматчилар хусусийлаштиришга қўшган ўз маблағларини қайтаришни талаб қилдилар, ишдан бўшаб кетдилар.

Кооператив ва унинг кўп сонли аъзоларининг катта меҳнат сарфлаганлиги, кўп миқдорда харажатга тушганлиги нима бўлди, дерсиз. Суд бунга мутлақо баҳо бермади, уни инобатга ҳам олмади. Ваҳоланки, 23-йўл қурилиши бошқармаси билан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ, бошқарма кооперативнинг ижарага олинган биноларни ва янгидан ўзлари тиклаган иншоотларни буткул таъмирлаш борасида кейинчалик сарфлайдиган харажатларини ҳам тўлашни ўз зиммасига олган эди. «Добрые услуги» бу харажатларни сарфлаш билан бир қаторда хусусийлаштириш пайтида яна бир бор бу бино ва иншоотларнинг нархини тўлаган эди. Хўш, бу харажатларнинг ўрнини ким қоплайди.?

Ишга расмиятчилик билан ёндашиш, унга доир материалларни чуқур ўрганмаслик, қонунларни тўғри қўллай билмаслик ҳамда далилларни эътиборга олмаслик бу ишнинг чўзилишига ва сансалорликка сабаб бўлди.

Бу давр мобайнида эса ривож топган бақувват бир хўжалик бора-бора ночорликка юз тутди. 150 нафар ишчи-хизматчидан атиги 20 нафари қолди. Одамлар ўз имкониятларига ишонмай қўйишди ва тарқаб кетишди. Бутун бошли ишлаб чиқаришдан фақат пайвандлаш хизмати қолди. Хўжалик судининг хатти-ҳаракати туфайли бевосита бюджетга зарар келтирилаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Бунда айрим бир «эркатой» ташкилотларга солиқлар тўлаш учун даъво муддатлари қўлланилиб, улар қисман солиқ пенясини тўлашдан озод қилинмоқда. Бунга вилоят хўжалик судида кўриб чиқилган 55/3-рақамли ишни (раис Л. Алиева) ва 77/3/-рақамли ишни (раис Л. Алиева) мисол қилиб келтириш мумкин. Судьялар 55/3-рақамли ишни ҳатто республика Олий хўжалик судига юборишни ҳам мутлақо «унутиб» юборишди. Бюджет олдидаги қарздорликда даъво муддати бўлмаслиги ҳам унутиб қўйилди. Хўжалик судларининг бир қанча ана шундай ишлар юзасидан чиқараётган қарорларини кўздан кечирганда «Қош қўяман деб кўзини чиқарди» деган халқ мақоли беихтиёр ёдга тушади...

Қонуннинг айнан унга қатъий риоя қилиши лозим бўлган шахслар томонидан бузилиши, афсуски, изсиз кетмайди. Негаки бундай ҳолда бошқаларнинг ҳам қонунни бузиш мумкин эканда, деган ўй-фикрга боришлари учун шароит пайдо бўлади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролар жамиятини барпо этиш учун юртбошимиз томонидан белгилаб берилган бешта асосий тамойилдан бири қонун устуворлигидир. Лавозими ва мавқеидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро бўйсуниши лозим бўлган қонуннинг самарали амал қилишини таъминлаш учун яхши ҳуқуқий негизга эга бўлишнинг ўзи камлик қилади. Буни жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси чуқур англаган ҳолда, қонунга қатъий риоя этишга ҳаракат қилсагина барча соҳаларда ютуқларга эришишимиз мумкин.

Олимжон НАЗАРОВ, журналист.

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМКАСБЛАР!

Айём иншоси

Кечаги кунда ҳайратимизни ошириб, ҳис-ҳаяжонимизни тоширган нарсаларнинг ҳаммаси бугун табиий ҳодисага айланиб бораяпти. Бу яхши. Илгари ақл бовар қилмайдиган, ҳаёлимизга ҳам келмаган воқеалар эндиликда рўпарамизда «мана ман» деб бўй кўрсатиб турибди. Мактаб партасида ўтирган болакай компьютер билан тиллашиб, хорижий тилни она тили янглиғ мукаммал ўрганган ҳолда таг-заминли, залворли саволлар билан катталарни-да шошириб қўйишини ким ўйлабди, дейсиз.

МИЛЛАТ ҚАРШИСИДА ҲАҚ СЎЗ АЙТИЛАР

Собиқ иттифоқдан ажралиб чиққан Ўзбекистон ўз йўлини топаолармиди, барибир иқтисодий ночорлик комида қолиб кетади, деган айрим сиёсатдонларнинг бугун ер чизиб қолганликлари ҳам, уларнинг-да юртимизни қисқа вақт мобайнида ўзини ўнглаб, куч-қувватга тўлиб, жаҳонга йўл очиб ўз қадди-камолини тиклаб олганини тан олиши, айтиш жоизки, миллатимизнинг, барча ўзбекистонликларнинг ғалабасидир. Агар дунё тарихини варақлаб кўрадиган бўлсак, озодликка эришган халқларнинг кейинги саъй-ҳаракатларини кузатиб, юртимиз билан қиёс этсак, бизнинг фикрларимиз муваффақиятга эришганимизни англашимиз мумкин. Сиёсатда, иқтисодда, маънавиятда собит қарашларимизни ифода қилдик. Давлатчиликнинг ўзига хосу мос тамойилларини ўзлаштирганимиз ва бу борада билим ҳамда савиямиз етарлилигини дунёга исбот қилиб қўйдик. Банибашар ичида элимизнинг мустаҳкам иродага эга эканлиги намоён бўлди. Ботинида эзгу ғоялар, руҳиятида ёруғ орзу-умидлар илдиз отган, борар манзили йўлида ҳеч қандай қийинчиликлардан чўчимайдиган, ҳар қандай бўрону тўфонлар тир - тўзғитиб юбормайдиган катта бир халқ истиқлол туфайли ўз келажагининг юксак иморати (ўзлиги) пойдеворини мустаҳкамлаяпти. Озод Ўзбекистон ҳақида ана шундай қараш билан муносабатга киришишга жаҳон қўникди.

Энди бизнинг қарашларимиз ҳам худди шундай улкан, шунга мос тарзда бўлиши керак. Энди бизнинг айтар сўзимиз ҳам тошни кесадиган, тоғларни титратадиган алфозда жарангдор бўлмоғи лозим. Фикримиздан чақмоқлар андоза олмоғи даркор. Асрларким тафаккуримизни банди этган мутелик ва тобелик занжирлари узилиб кетди. Бўғзимиздан тутган ҳадик ва хавотир қўллари қайириб ташланди. Ички ваҳм, қўрқув, эсанкираш тўйғулари зимистон этган қалбларимиз истиқлол қуёши туфайли ёришди. Миллат ўзини таниди. Мана, бизга истиқлол нима берди.

Биз, қалам аҳли, элнинг олдида юрувчи тафаккур кишилари учун эса Озодликнинг моҳияти, Истиқлолнинг аҳамияти, келаётган насллар тақдири учун қайғуриш бобида уйғоқ ва ҳикматли сўз айтиш даври бошланди.Ҳа, маънавият сарчашмалари борар йўлимизнинг ҳар қаричига тириклик, ўсиш, улғайиш, гуллаш, яшнаш, ,гуркираш учун ҳаёт бахшида этаяпти. Улуғ йўлда юксак қарашлар билан қадам ташламоққа ундади, Истиқлол. Фарзандлар юрагида ўзлик, эрлик, буюклик нурларини сингдирмоққа чоғлади,Истиқлол. Керак пайти миллат, Ватан учун жон фидо этмоқ зарурати, олинган эркни қайтариб бермоқ жаҳолатдир, деган ҳақиқатни англатди, Истиқлол.

Бугун ҳеч биримизга осон кечмайди. Чунки эришилган улкан зафар бизнинг ҳаётимиз билан боғлиқ. Кечамиз, бугунимиз, эртамиз билан вобаста.

Ҳа, бугун ўз тақдири учун ўзи қайғуриб, жаҳоний муаммолар силсиласида ёрқин йўлни топиб олган миллат қаршисида залворли, баланд гапни айтмоқ керак. Айтилган гаплар халқимизнинг бўйи каби тик, қадди янглиғ мағрур бўлсин. Янами, яна майда-чуйда гапларни гапирадиган одам қалам тутмаслиги керак.Овозининг оҳанги ўзидан юз чандон юксак теран ақлларга сўз айтиш ҳалол энди. Ҳар куни тарихнинг катта ҳодисасига айланиб қолажак юртнинг ижодкори битган Сўз ҳам тарихдан жой сўраши лозим. Буни масъулият деса бўлади.

Бугун байрам. Жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ташхисчилари — мухбирларнинг касб байрами. Кези келганда айтиш жоиз: демократик тамойиллар шаклланаётган мамлакатимизда матбуотнинг ўрни, таъсир кучи сезиларли. Янги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шарт-шароитлар етилди. Бу эса кунора матбуотимиз олдига шу пайтгача нотаниш бўлган вазифаларни қўймоқда. Даврни бор бўйича кўрсатиб бериш юкини елкалаш осон иш эмас, албатта. Кескин ўзгариш, шиддатли даражада тараққиёт сари интилиш ҳадисини олган мамлакатимизда ўз маҳоратини, қалб кўрини, борлиғини афкор оммани барча жараёнлардан воқиф қилишга, фикр ўйғотиш заҳматига бардош беришнинг ўзи бўлмайди. Изланиш, интилиш қаламни ҳар сония чархлаб сергак туриш ҳам гаштли, ҳам машаққатли.

Ҳа, жаҳонда улуғвор бир юрт бўй кўрсатди. Бу йўлда ҳар ким фақат яхшилик учун бош қовуштирмоғи лозим. Айниқса, қалам тутган журналист истиқлол йўлида учраган айрим ғов-тўсиқларни таҳлил қилар экан, энг аввало бу ишга юрт манфаати йўлида қўл урилди, деб ёндашилса яхши бўлади. Бугун шундай қарашлар етилмоқда ҳам. Бу эса ҳақ ва ҳақиқатни айтиш учун Она Ўзбекистонимизда ҳеч қандай қаршилик йўқлигидан далолатдир. Демак, энди қандай ёзиш, юрт ҳақида қай тарзда сўз айтиб, фикрлаш ўзимизга боғлиқ.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФИКРЛАР МАЙДОНИГА САФАР

Демократик тамойилларга асосланган жамият қурмоқчи эканмиз, бу ишни эркин матбуотсиз амалга ошириш қийин. Бу ўз-ўзидан бўлиб қоладиган иш эмас. Бироқ бизда эркин сўз айта олиш имконияти астасекинлик билан эгаллаб борилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ва ўқувчи аудиторияси орасида демократик муҳит яратилмоқда. Шунданми, бугун одамларнинг фалон газетада бу мақола чиқибди, у газета шундай ёзибди, телевидениедан фалон кўрсатувни кўрдингизми, деган гап-сўзларини эшитиш, очиғи, табиий ҳолга айланмоқда. Аммо, бу охирги манзил эмас. Менимча, матбуотни фикрлар хилма-хиллиги ўқимишли қилади. Қандайдир танқидий мақоласи учун журналист қошқовоқлар қаҳрини эмас, мақолага муносиб жавоб олса, уни яна газетада эълон қилса, бу хусусда бошқалар ҳам фикр билдирса яхши-ку. Табиийки, бу жараённинг қандай кечмоғи ҳар бир қаламкашга, журналистга ҳам боғлиқ. Шу маънода, республикамизда «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши ҳаммамизнинг сўз эркини англаш борасидаги қарашларимизга ижобий таъсир кўрсатади, деган умиддаман.

Муҳиддин ЖЎРАЕВ,
Касби туманидаги «Садоқат» газетаси мухбири.

Тасаввур қилинг: оддий қишлоқ аёли. Оддийгина рўзғори бор. Лекин оддийлигини чегараловчи жиҳати бор — ижодкор. Йигирма йил мобайнида бир жойда, туман газетасида борига, ўтган кунига шукур қилиб яшаб, ишлаб келаётган ҳамкасбларимизни йўқлаб қўйгим келди. Улар шароитни ҳисобга олиб, катта шаҳарларга интилишмайди, қаламни ҳам ташлаб қўйишмайди.

ГАЗЕТА — ҲАЁТИМДИР МЕНИНГ

Бир неча йиллик анъана бор — Самарқанд вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ибратли аёлар сазовор бўладиган Нодирабегим номли алоҳида мукофоти таъсис этилган. Ҳар йили аёлларнинг байрами — 8 март куни ана шу мукофот лойиқ аёлларга топширилади.

«Иштихон овози» газетасининг мухбири Муқаддам Ҳайитованинг ана шу мукофотга сазовор бўлиши мухбирликнинг қувончу ташвишларини ўз бошидан кечирган аёл киши сифатида кўнглимни тоғ қилди..

Опанинг нозиккина, увоққина жуссасини кўрганда «кўнгилга жуссанинг кичик бўлиши таъсир қилмайди» деган фикр келди. Нозиккина бу аёлнинг сўзлари, фикрлари, дунёқараши, оналик латофати, ҳаёси улкангина эканлигига имон келтирдим.

— Кичкиналигимда отам вафот этганлар. Мактабга борган куним бир бола мени қўли билан кўрсатиб, «ана шу қизнинг отаси йўқ» деди. Шу сўзни эшитганим боис, бир ой мактабга боролмадим. Қисинчоқ эдим, кўнглимдагини очиқ айтолмасдим, истамасдим. Ана шу кайфиятим сабаб бўлса керак, кўнглим йиғласа шеър ёзиб, мақола ёзиб ўзимни овунтирардим. Шунчалик тортинчоқ эдимки, ўнинчи синфни тамомлаганимда онамга ўқишга борайин деб айтишга ҳам тортинганман. Газета ишига қизиқканим, мактаб йиллари машқ қилиб юрганим учун ўнни тамомлаб, газетага ишга келдим. Оилали бўлдим. ТошДУнинг журналистика факультетини сиртдан тамомладим.

— Шунча йиллардан бери бир газетада ишлаб келаётган экансиз. Баъзида бир хилдаги иш кўнглингизни совутмайдими?

— Шунчалик ўрганиб кетганманки, ҳаётимни газетасиз тасаввур қила олмайман. Лекин яширмайман, дилим оғриб бир марта газетадан «аразлаганман». Лекин ўша пайтларда ҳам ҳар куни ишга кетаяпман деб уйдан чиқиб кетардим. Юриб-юриб ишдан қайтган кишидек уйга борардим. Охири бўлмади. Қайтдим.

Болаларим ишимга қизиқишади. Айниқса қизим Феруза. Гарчи ҳозир 6-синфда ўқиса-да, фикрлари шунчалик тиниқки, вақти келганда нафақат ўзини, фикрларини ҳам авайлагим келади. Инглиз тилини мукаммал ўрганишга интиляпти. Истаги — халқаро журналист бўлиш. Мен кўрмаганларимга қизим етишсин.

— Бугунги кунда қишлоқ журналисти қандай яшаяпти?

— Баҳоли қудрат. Яхшилиги, барибир бу соҳанинг фидойиларигина машаққатларга чидайди. Мактабда ҳам дарсим бор. Балки мактабга шогирд излаб боргандирман. Болалар орасида қўпроқ бўлишни ёқтираман. Ахлоқий мавзуларда кўпроқ ёзгим келади. Баъзи енгилтабиатларни кўрсам, йиғлагим келади. Уларнинг қандай она бўлишини тасаввур қилолмай қийналаман. Мақолага сиғдиролмаган туйғуларимни шеърга тушираман.

Одамларга сиртқи кўринишга эътибор кучайиб кетган. Бу мени азоблантиради. Битта тилло узугини йўқотиб қўйгани учун охири ўлим билан тугаган воқеани эшитганман. Атрофдаги тақдирдошларимизнинг ҳар бирини неча-неча тилло узукларга тенглаштириб бўлмаслигини унутиб қўйганлар кўп.

— Суянганингиз нима, опа?

— Болаларим, кўнглим...

Самимиятни ўша мунис аёлдан ўргансакмикин? Бахти — сатрларда, азоблари — ёзилмаган сўзлари, қувончлари — оқ қоғозга тўкилганлари, армонлари — ичига кўмилган ҳислари, орзиқиб қутадигани — болаларининг келажаги... Оддий кунидан бир олам маъно излаб яшаётган аёл, яхши кунларингиз кўп бўлсин!

Гули ЧЕҲРА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сўз — ҳамкасбимизга

Анвар АБДУВАЛИЕВ, Ўзбекистон радиоси «Ахборот» Бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

РАДИОНИНГ БИР КУНИ...

Дастлаб «Сўнгги ахборот»нинг шу йил 23 июнда кеч соат 18.00 да берилган бир хабари ҳақида.

Ахборот бошланиши билан диктор: «София билан боғланамиз. Телефонда телерадиокомпанияси махсус мухбири Шерзод Қудратхўжаев», деб ўқигандан сўнг мухбир мамлакатимиз Президентининг Болгарияга қилган расмий ташрифининг биринчи куни тўғрисидаги энг сўнгги маълумотларни берди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон радиоси орқали давлатимиз бошлиғининг узоқ юртга қилган ташрифи тўғрисида биринчи бўлиб ахборот эфирга чиқди. Бу радионинг оддий иш кунларидан бири. Аслида, радио шундай бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзига хос рақобат бошланган бир пайтда радионинг ўрни қандай бўлиши лозим? Бугун радио қандай ишлаяпти? - деган саволларга кўпинча ўзимча жавоб беришга ҳаракат қилгандай бўламан.

Тўғри, «Информбюро» хабар берган бир пайтлари радио биринчи ўринда бўлган. У даврларда халқнинг ишонгани ҳам, суянгани ҳам радио эди. Энди аҳвол ўзгарди. Телевизор, турли-туман каналлар, ранг-баранг газета ва журналлар...

Шундай бўлса-да, радио ўз ўрнини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Уни тингловчилари бор. Ўзбекистон радиосининг катта ижодий имкониятга эга бўлган тинимсиз изланишдаги жамоаси меҳнат қилаяпти.

Мамлакатимиз радиоси бир кеча-кундузи 73 соат эшиттириш бермоқда. 73 соат, деб айтиш осон. Унинг ортидаги меҳнат-чи? Аслида жуда оғир иш. Лекин касбини яхши кўрганлар учун енгил. Республика радиосида ана шу оғир юкни кўтариб, ўз эшиттириши билан тингловчисини топганлар анчагина. Шулардан бири ҳақида қисқагина. Мусиқа муҳарририятида Зулфия Обидова, деган опа ишлайдилар. Опани ўзбек миллий мусиқасининг билимдон қомусий олимаси, деб бемалол айтиш мумкин. Акбар Ҳайдаров, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовдан тортиб, янги чиққан қўшиқчигача баҳо бера оладилар. Баъзан биз журналистлар фидойи деган сўзни эътиборсизроқ ишлатиб юборамиз. Лекин Зулфия опадек журналистлар ҳақида гапирганда сира ҳам қўрқмасдан бу сўзни ишлатиш мумкин.

Ўзбекистон радиосида опага ўхшаган фидойилар жуда кўп. Афрўза Умарова, Саидмурод Тиллахўжаев, Аҳмаджон Бузруков, Абдуҳаким Даминов, Мунира Ғаниева... Рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Энг асосийси, улар меҳнатига тингловчи баҳо беради. Баъзан кўча-кўйда ўзларини танимаса-да, гаплашиб қолгач, сиз ўшамисиз, деб сўраб қоладилар. Бу радиожурналист учун ўзига хос бир мукофот.

73 соат. Бу даврда турли хил фикрлар айтилади. Сайёранинг у бурчидаги воқеадан тортиб, мамлакатимизнинг чекка бир қишлоғидаги янгиликдан ҳам тингловчи хабардор бўлади. Бу хабар ўз вақтида тез ва лўнда тайёрланиб, эфирга берилиши керак. Бироз кечикдими, бу радионинг ютқазгани. Чунки энди бошқа ахборот воситаси бор. Ёки бўлмаса «Радиогрант»га ўхшаш рақобатчилар...

Энди ишимиз ўзгараяпти. Радиожурналистларимиз компьютерлар билан тил топишмоқда. Ахборот танқислиги олди олиняпти. Интернет тармоғи билан улаганмиз.

Эфир масъулияти, деган юк бор. Эфирга чиққан журналистнинг янги гапи бўлиши керак. Ҳаётнинг ўзи ҳақиқатни, янги гапни айтишни талаб қиляпти. Бу биринчи ўринда тингловчининг талаби. 73 соат давомида бир янгилик 2-3 марта такрорланиб қолса ҳам тингловчини зериктириб, чарчатиб қўйиши мумкин. Ана шундай оғир юкни бўйнига олган радиожурналист ҳамкасбларимга асло чарчаманглар, дегим келади БУГУН.

ЁРУҒ ХИЁБОН

ЎзТВда давр нафаси

Рўзивой ҚЎЛДОШЕВ, «МАЪРИФАТ» дирекцияси бош муҳаррири:

— Халқ билан юзма-юз келиш, жамиятимизда содир бўлаётган барча янгиликларни оҳорини тўкмасдан эфирга узатиш, иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини аниқ ва лўнда таҳлил этиш, мамлакатимиз танлаган йўл ва борар манзилимизни қалбдан ҳис қилиш, хуллас, бугунги жараёнларга профессионал даражада муносабат билдириш ҳар бир журналистнинг виждон амридир .

Бугун тарихий воқеалар, ҳар лаҳзаси улкан ҳодисот сифатида баҳоланажак кунларни бошимиздан кечираяпмиз. Шунинг ўзи шараф. Истиқлол юртининг уйғониш паллаларида эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари илдиз отган мафкура онгу-шууримизни чақмоқ янглиғ ёритаяпти. Шу нарсани англаш, одамлар билан баҳам кўриш, уларга етказиш, ҳукуматимиз раҳбари олиб бораётган одил сиёсатга холис ёндашиш биз, тележурналистлардан юксак савия, дид, фаҳм-фаросат талаб қиляпти. Очиғини айтсак, даврдан орқада қолиш, оқсаш қилам тутган, камера олдида сўз айтмоққа чоғланган ижод аҳли учун кечирилмас ҳолдир. Юртбошимизнинг даъватлари, яъни халқ ичига кириб барча-жабҳаларда ютуқ ва муаммоларни рўй-рост ёритишда журналистлар олдига қўйган вазифалари бугун бизда ҳақ сўзни борича айтишга имкон туғилганидан далолатдир.

Ҳар бир журналист ўзи тайёрлаган мақола ёхуд телекўрсатув учун маънавий етуклик, мукаммаллик, савия нуқтаи назаридан масъуллир. Ҳамкасбларимиз экранга чиқишдан, матбуотга мақола тақдим этишдан аввал, хўш, мен бу билан нима демоқчиман, айтар гапим кимга, нимага хизмат қилади, ундан жамиятга нима наф тегади, телетомошабин ёхуд газетхон ҳузурида ер чизиб қолмайманми, деган ҳақли сўровга жавоб излаши керак.

Ҳақиқатдан кўз юммаган ҳолда шуни таъкидлаш керак — истеъдодли журналист ҳар қандай шаклда ўз сўзини айтолади. Бунга ҳеч қанақа тўсиқ йўқ. Фаолиятимиз қонун билан ҳимояланган. Демократик тамойиллар янада ривож топиши учун матбуотнинг аҳамияти чексизлигини шахсан Президентимизнинг ўзлари бот-бот уқтириб ўтаяптилар. Бу бизга нисбатан улкан ишонч, шу билан бирга юксак масъулият ҳамдир.

Мен ЎзТВ ҳақида, кўрсатувлар савияси борасида фикр билдиришни телетомошабинларга ҳавола қиламан. Бироқ маънавий-маърифий мавзуларга ва кенг ўрин берилгани, телевидениенинг истиқлол мафкурасини кенг тарғиб қилиши ва бу ишнинг удласидан чиқаётганини таъкидламоқчиман. Ҳали қилинажак ишлар кўп. Мустақилликнинг туб моҳияти, унинг миллатимиз келажаги учун нақадар қиммати аҳамияти ҳақида жуда кўп ёрқин ва чиройли чиқишлар қилинишига ишонаман... Бу йўлда тўхтаб қолишга сира ҳаққимиз йўқ.



Газета муштарийга етгунга қадар...

В. ПОРТНОВ олган суратлар.

Журналистликнинг ўзига хос машаққатлари, завқлари бор. Куни кеча хоразмлик курсдош дугонам Аймонжон билан учрашиб қолдим. Аймонжон Эгамова ўттиз йилча «Хоразм ҳақиқати» рўзномасида хизмат қилган, ҳозир эса «Хоразм» нашриётининг директори.

ХОРАЗМНИНГ МАРД ҚИЗИ

Битта букилган одамни тиклаган журналист халқнинг қаддини, қадрини тиклаган билан баробар

— Мен умрбод муаллим бўлсам керак, деб ўйлагандим. Лекин редакцияга ишга киргач, қизғин ва қайноқ ҳаёт мени сеҳрлаб қўйди. Турмуш йўлдошим Абдураҳим ака ҳар лаҳза қўллаб-қувватлаб турдилар. Дастлаб таҳририятда хатлар бўлимини бошқардим. Ҳар бир шикоят изидан бораверибман, денг. Кечалари шикоятчилар тақдирини ўйлаб уйқум келмасди. Бош муҳарриримиз Эгам Раҳим ғоят меҳрибон, талабчан устоз эдилар. Бизга ишониб қийин-қийин вазифаларни топширар, янги мавзулар берар, танқидий лавҳаларимиз чиққанда, ҳимоя қилишни ҳам ўрнига қўярдилар. Умрбод у кишидан қарздорман.

1974 йил эди. Ҳазораспнинг олис Питнак қишлоғидан шикоят келди. Бош муҳаррир шикоятни ўрганиб келишни менга топширдилар. Сардорбек ўғлим — олти ойлик чақалоқ, десангиз. Яхшиям бахтимга қайнонам Шукуржон момо борлар. Иссиқ овқатим тайёр, болаларимни ўраб-чирмаб олиб ўтирадилар, қизларидай ёнимни оладилар. Шундай қилиб, автобусга чиқиб, Питнак томонга кетдим. Хатда ёзилишича, аёл дарвозаси олдидаги пахтазордан чангалоқ супуриб олган. Мол-ҳоли учун. Ўзи Кўкэкин даласида ишлайди, эри ҳам ўша ерда насосчи экан. Бригадир эса аёлни тутиб урган: «Ўзингга қарашли бўлмаган пайкалдан чангалоқ супурганинг учун» деб. Аёл қаттиқ жароҳатланиб, касалхонада 45 кун даволанган. Ушбу ҳодисага ҳеч ким парво қилмаган, аёлнинг ҳуқуқини ҳимоя этмаган. Автобусдан тушиб тўғри аёлнинг уйига кирдим. Суҳбатлашдим. Воқеа содир бўлган далага бордим. 10 нафар гувоҳ аёлдан тилхат ёздириб, касаллик варақасидан кўчирма олдим. Колхоз идорасига кирсам, раис бригадирнинг ёнини олди, шу ишни бости-бости қилайлик, деб ҳол-жонимга қўймади. Тақдирни қарангки, бечора аёл бефарзанд, кўнгли ярим экан.

Бригадирнинг уйини сўроқласам, борманг, милтиғи бор, отиб қўяди, дейишди. Қарангки, олий маълумотли математика ўқитувчиси экан ўша «мард» бригадир. Қизиққон одам экан, тез-тез нос каппалайди. Бир пайт онаси уйдан чапак чалиб чиқса бўладими?

— Шошманг, энажон, мен «Буни кечириб бўлмайди» сарлавҳали танқидий мақолам босилди. Зўравон уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Аёлга қўл кўтарган кимса тегишли жазосини олди. Бир кун ишлаб ўтирсам, эр-хотин кириб келишди, раҳмат айтишди...

Осон йўлни кўзлаган журналист ўз фикрини йўқотади, ўз виждонига хилоф иш тутган журналистнинг эл-юртга фойдаси бўлмайди.

Энди иккинчи бир аянчли тақдир саргузаштларини айтай, дейди дугонам.

Мен унинг талабалик йилларидаги содда ва камтарин, ростгўй, бироз тўпорироқ феъли ўзгармаганини кўриб қувонаман. Либослари ҳам оддий, соч турмаклаши ҳам ўша-ўша. суд ёки прокурор эмасман. Воқеани билгани келдим. Ўғлингизни қаматишга ҳаққим йўқ ахир, десам ҳам ҳовридан тушмайди.

Бир пасда ўн-ўн беш нафар 5-6-синф ўқувчилари пайдо бўлди. Бригадир улардан сўрайди:

— Мен аёлни урдимми?

— Урганингиз йўқ, — деб жўр бўлишиб жавоб қайтаради болалар.

Ҳуллас, ҳангомалар чўзилиб, қоронғу тушди. Кеч соат 8 бўлди. Район партия комитетига бордим. Улар ҳам тўнини тескари кийиб олишган. Шаҳарга қайтиб кетишим учун улов сўрадим, индашмади.

— Менга ё Эгам Раҳим ёки Мадиёр Худойбергановни улаб берасиз, деб туриб олдим.

Бир зумда битта юк машинаси топилди, қўрқмай бир ўзим кеттанимни қаранг. Эртаси куни таҳририятга телефонбозлик бошланди. Барибир Бировларга қилган жиндай мададини сўйлаганда яйраб, кўзлари севинчга тўлганини кўраман. Тақдиридан шукроналикни ҳис этаман.

— Боғот туманидан бир маҳзун мактуб келди. Йигирма ёшга кирган жувон сочлари оқаргани, бир мажруҳ қизи билан хароба кулбада кун кечираётгани, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтожлигини ёзиб, кўмак сўраган. Йўлга отландим, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари ҳам эдим ўша пайтлар. Туманга бориб хотин-қизлар қўмитаси раисига учраб, у билан бирга аёлнинг уйига бордик. Бировнинг омборхонасига шолча тутиб, капа ясаб яшаётган экан. 1976 йил эди.

Ҳаётнинг бешафқатлигини кўриб дилим ёнди, ҳовва. Аёл асли наманганлик экан. Боғотдан Чортоққа дам олиш учун борган бир бойвучча 17 ёшли қизгинани авраб олиб келади. Келса, эркакнинг 9 боласи бор. Ҳукми зўр хотини бор. 17 ёшли қизни роса савалаб, мажруҳ қилиб, кўчага чиқариб ташлайдилар. Ҳимоясиз, абгор қиз одамлар эшигида оқсочлик қилиб бир бурда нон топиб, дуч келган хонадонда ётиб юради. Бир аёл ўзининг ўғай ўғлига олиб беради. Эр тракторчи бўлиб ишлайди, оби овқати, топиш-тутиши рўзғорга етмайди. Бир қиз, бир ўғил туғиладди. Аёлнинг паспорти йўқлиги учун болаларга ҳам туғилганлик гувоҳномаси ололмайди. Хотин-қизлар қўмитаси раиси ахволни кўриб хижолатга тушди. Бир ҳафта ичида шу аёлнинг болаларига ҳужжатларини тўғрилаб, ёрдам бермасангиз, газета орқали номингизни ўқийверасиз, дедим. Манглайи қаттиқ бечора шикоятчи аёл хўнграб йиғлайди, денг. Йигирма ёшга кириб ўтин бўлиб қолган, сочлари оппоқ...

Орадан ўн беш кун ўтиб аёл таҳририятга келди, болаларига ҳужжат олибди, дурустроқ уйга кўчиришибди, ўзига лойиқ ишга жойлашибди.

— Юринг, ошхонага кирамиз, дейди.

Кулдим, мен бу савоб ишни қорним учун қилганим йўқ, дедим.

Ҳар кун шикоят, аризалар ўқийвериб, юрагим қисинади денг. Сўнг илтимос билан бош редактор олдига кирдим, қишлоқ хўжалиги бўлимига ўтдим. Эрта демай, кеч демай, турли қишлоқларда, турли корхоналарда бўлдим. Вилоят, туман пахта, ғалла, пилла топшириш режаларини бажарганда, туни билан қолиб кетардик идорада.

Мана шу югур-югур, безовта журналистлик йилларим менга олам-олам қувонч берди. Туркманистонда туғилиб, Хоразмда туп қўйиб палак ёйдим. Қизим Санобар, ўғилларим Мансурбек, Сардорбек, талаба қизим Мўътабар ҳам бугунги замонавий ихтисосларни эгалладилар. Аслида муҳандис бўлган Абдураҳим аканинг менинг ютуқларимда тенг ярмидан кўпроқ хизматлари бор. Шунинг учун уларни қаттиқ ҳурмат қиламан.

Мана яна ҳам масъулроқ вазифага қўл урдим: китоб учун қоғоз, ҳомийлар топиш, сифатли, мазмунли китоблар чоп этиш осон эмас. Яна оиламга, дўстларимга, кўп йиллик тажрибамга суяниб ишлайман-да, — дейди дугонам.

Ушбу ҳикоялар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аймонжон Эгамованинг 33 йиллик ижодий фаолиятидан бир шингил, холос. Аслида журналист дегани замондан олдинда юриши, янги ғоялар, фикрлар бериши, халқнинг тақдирига, дардига яқин бўлиши керак.

Қўлида журналистлик дипломи бўла туриб бир сатр ҳам мақола битмаган ёки пул топишнинг осон йўлларига ўтиб кетган дуруттина қаламкашлар йўқ эмас. Халқни тарбиялашда, замоннинг янги мавжларини юрт ҳаётига олиб киришда журналистлар доим фидойи сафларда бўлиб келганлар. Ана шу ҳикмат ёдимиздан чиқмаслигини истайман.

Қутлуғ миллий матбуот байрами билан барча жонкуяр, ўткир сўзли журналист ҳамкасбларимни чин дилдан қутлайман. Элга сўз айтиш бахти, масъулияти бизларни янгилаб, ақлимизни чархлаб туришини хоҳлайман...

Ойдин ҲОЖИЕВА,
«Саодат» журналининг бош муҳаррири.

Муҳаммадиозим МАВЛОНОВ, «Ахборот» бош муҳарририяти гуруҳ раҳбари:

— Журналистикада хабарнинг ўрни алоҳида. У ёки бу маънода янгилик тўплаш ва жамоатчиликни воқиф этиш осон эмас, албатта. Давримиз шиддат билан ўзгараяпти. Ҳар куни бир янгилик. Бугунги гап эртага эскиради. Очиғи, юртимиздаги залворли, самарали ишлар кўлами шунчалик шитоб билан ёйилмоқдаки, ақлинг шошади. Бу бизнинг ҳар дақиқа, ҳар лаҳза юксаклик сари интилаётганимиз, равнақ топиб обод бўлаётганимиз, жаҳоннинг илғор давлатлари кўз ўнгида юксак чўққиларни забт этаётганимизни кўрсатиб турибди. Бугунги хабарларимиз, янада аниқроқ айтсак, «Ахборот» кўрсатуви ҳам ана шу нуқтаи назардан мукаммаликка интилмоғи керак.

Бизга кечаги кундан кўра бугун жиддийроқ талаб қўйилмоқда. Даврнинг сўрови шу. Юртимизда содир бўлаётган яхши ишлар — ютуғимиз. Айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам ўзимизники. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Яхшини яхши дейиш, ёмонни ёмон деб кўрсатиш эса журналистнинг вазифаси. Шу маънода ЎзТВнинг «Ахборот» дастурини мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи кўзгу деб ҳис қилиш мумкин. Агар тележурналист тафаккури, ички имконияти етарли даражада шаклланган бўлса, албатта, бу кўзгуга дарз кетмайди, хира тортмайди. Камеранинг ўткир «нигоҳи» сира алдамайди. Тасвирни аниқ таҳлил этиш эса журналистнинг маҳоратига боғлиқ. Бугун «Ахборот»чиларнинг ўз-ўзини имтиҳон этиб, шижоат билан фаолият кўрсатиши замирида ана шу тушунча асосий мезондир, десам хато қилмайман.

Саҳифа материалларини «Халқ сўзи» мухбирлари — И. Худоёров, Қ. Норқобил, О. Раҳимовлар тайёрлашди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

РОНАЛЬДО: «БРАЗИЛИЯ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛАДИ»

Шу кунларда Францияда давом этаётган 16-жаҳон чемпионатида мусобақалар ҳал қилувчи паллага кирди. 25 июнь куни чемпионатнинг «Е» ҳамда «F» гуруҳларида тўрт учрашув ўтказилди. Дастлаб майдонга «Е» гуруҳида икки учрашув натижасига кўра пешқадамлик қилиб келаётган Голландия терма командаси билан Лотин Америкаси вакили – мексикаликлар майдонга тушдилар. Хавфли вазиятларга бой бўлган учрашувда ҳар иккала команданинг ҳам кучлари деярли тенг келди. Ўйинда 2:2 натижа қайд қилинди. Жанубий Корея – Бельгия учрашувида ҳам дарвозаларга бор-йўғи биттадан тўп киритилди – 1:1. Шундай қилиб, «Е» гуруҳидан голландияликлар биринчи, мексикаликлар эса иккинчи бўлиб жаҳон чемпионатининг 1/8 финалига кўтарилдилар.

«F» гуруҳидаги икки ўйинда ҳам европаликларнинг қўли баланд келди. Уч бор жаҳон чемпионлигига эришган Германия терма командаси эронликларни 2:0 ҳисоби билан мағлуб этган бўлса, Югославия – АҚШ учрашувида америкаликлар мағлубиятга учради – 1:0.

Жаҳон чемпионатининг 1/8 босқичига йўлланма олган Югославия ҳамда Германия терма командаларининг ҳар иккаласида ҳам еттитадан очко бор. Тўплар нисбати жиҳатидангина немис футболчилари гуруҳ пешқадами бўлдилар.

Эътиборингизга «Е» ҳамда «F» гуруҳларидаги саралаш ўйинларидан кейинги умумий кўрсаткичларни ҳавола этамиз:

«Е» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Голландия	3	1	2	0	7-2	5
2. Мексика	3	1	2	0	7-5	5
3. Бельгия	3	0	3	0	3-3	3
4. Ж. Корея	3	0	1	2	2-9	1

«F» гуруҳи

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Германия	3	2	1	0	6-2	7
2. Югославия	3	2	1	0	4-2	7
3. Эрон	3	1	0	2	2-5	3
4. АҚШ	3	0	0	3	1-5	0

Кўриб турганингиздек, ушбу гуруҳларда дунёнинг турли қитъаларидан йиғилган командалар ўз имкониятларига яраша кураш олиб бордилар. Европанинг тўрт командасидан учтаси кейинги босқичга кўтарилди. Лотин Америкасидан ташриф буюрган икки командадан биттаси чемпионат ўйинларини давом эттирадиган бўлди. Осиёликлар эса ҳар галгидек 1/8 финал босқичидан қуруқ қолишди.

Умуман олганда, бу йилги жаҳон чемпионатида сермаҳсуллик жиҳатидан европаликлар пешқадам бўлиб турибдилар. Ушбу қитъа командалари рақиблари дарвозасига ҳаммаси бўлиб 72 тўп киритдилар. Лотин Америкаси вакиллари эса 31, африкаликлар 16, осиёликлар эса бор-йўғи 6 тўп киритишга эришдилар. Шу кунгача бўлиб ўтган 40 учрашув натижасига кўра дарвозаларга 126 тўп киритилган.

Мана, жаҳон чемпионати мусобақаларининг бошланганига ҳам 17 кун бўлди. Футбол щарҳловчилари, журналистлар, футболчиларнинг ўзларини ҳам чемпион ким бўлади, деган масала ўта қизиқтирмоқда. Яқинда Бразилия терма командасининг моҳир ҳужумчиси Луис Рональдо журналистларга интервью берар экан, «бу йилги мусобақада ҳам бизнинг кўлимиз баланд келиши ва олтин мазбудани олишимиз аниқ масала. Шахсан мен мамлакатимизга жаҳон кубогини олиб кетиш учун нима керак бўлса, ўшани аямайман. Бу борада куч ҳам, маҳорат ҳам, бошқа шароитлар ҳам етарли. Энг муҳими, Бразилия жаҳон чемпиони бўлиши шарт», деди.

Ҳали чемпионатда кимнинг голиб чиқиши тўғрисида аниқроқ башорат қилишга бироз вақт бор. Балки Рональдонинг фикрлари тўғридир, аммо дунё футбол мутахассисларининг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, Германия, Франция, Аргентина ҳамда Голландия терма командаларининг ҳам имкониятлари ёмон эмас. Ким билади дейсиз, голиблик балки ҳеч ким ўйламаган ва ҳеч қандай мутахассисларнинг назарига тушмаган бошқа бир командага насиб қилиши мумкиндир? Қисқаси жўжани кузда санаш керак.

Бўлиб ўтган 40 учрашув натижасига кўра чемпионатнинг нимчорак финалида қатнашадиган 15 та команда аниқ бўлди. Кеча «G» ҳамда «H» гуруҳида ҳам охирги тўртта учрашув бўлиб ўтди. Маълумки, «H» гуруҳидан Аргентина ҳамда Хорватия терма командари муддатидан олдин навбатдаги босқичга кўтарилган эдилар. Бироқ, «G» гуруҳидаги вазият салгина мушкулроқ эди.

Хуллас, 27 июнь куни 16-жаҳон чемпионатининг 1/8 финал учрашувлари ҳам бошланади. Голиблар тўғридан-тўғри босқичма-босқич кўтарилиб бораверади. Мағлубиятга учраганларга эса ҳеч қандай имконият қолмайди.

Нормурод МУСОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУР

ДУШАНБА

29 ИЮНЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00–8.40 «Таҳлилнома». 8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Хисор қўриҳонаси». Премьера. 9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 9.30 «Ёмад қолдуғи». Телеўйин. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Ешлик студияси. «Кутлуғ қадам». 10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари». 10.40 Кундузги сеанс. «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм. 12.05 «Истиқлолим, сени қўйлайман». Концерт. 12.25 «Фермер». Телетонлов. 12.45 «Жаҳон спортиҳ 12.55 «Эски ҳужрада». Мультфильм. 13.05–14.00 «Ҳаммо кўрпаси шарт... эмас».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Меҳрингиз ардоғида». Телеочерк. 18.30 «Олам ва одам». 18.50 «Сеғри суруғи». Концерт. 19.10 «Фармон ва ижро». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисод алифбоси». 21.30 М. Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 17-кўй. 22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 23.50 «Ахборот». 00.15 «Шоир тақдири». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 01.55–02.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дарахчи»(рус тилида). 18.15 «Ериштош». Мульттўплам. 18.35 «Жаҳон урушларининг маҳфий архивларидан». Телесериал. 19.00 «Ойдиндаги қадамлар». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Туризм ҳақида». 20.00 «Тутоқ дилдор». Тожик қўғирчоқлари концерт. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўзбек мерос». 21.30 «Ўзбекнома мактублари». Телесериал. 22.15 Бурч ва масъулият. 22.30 Мусиқий лаҳзалар. 22.35 «Дарахчи» (рус тилида). 22.45 Кинолиг. «Мусиқа наволари. 1-қисм. 23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

*

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Тонаффус пайтида — «Франция-98» кундалиги. 02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.

*

17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари

*

20.40 «Телеанкета».

*

21.00—21.35 РДТ. «Вести».

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Заҳарли тикан ҳ». Бадиий фильм.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 «Жаҳон». 20.55, 22.25 — Эълонлар. 21.00 «Марена Клара». Телесериал. 21.45 «Чинор». Видеоканал: «Рангинкамон». «Дидора. 22.30 Кинематограф. «Ўрдак кўли воқеаси». Бадиий фильм. 23.35—23.45 «Хайрли тун!».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар. 8.15 «Машъум мерос». Сериал. 8.55 «Нима? Қаерда? Қачон?». 10.30 «Кўйнин топинг». 11.15 «Бирғалашиб» дастури. 12.00 «Тўрт танеки ва бир ит». 19 ва 20-серийлар. 14.20 Мультсериал. 14.45 «Марафон-15». 15.05 «Олдуғли оғлар». 15.40 «Олтин атиргул ғоғи». Сериал. 16.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 16.30 «Оламга саёҳат». 17.20 «Машъум мерос». Сериал. 18.05 «Тигиз пайт». 18.30 «Кўйнин топинг». 19.00 Душанба куни Познёр билан. «Тиқиблоқи киши» дастури. 19.45 Хайрли тун, кинчинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 Олег Табаков ва Олег Видов «Транссибирь» экспресси саргузашт фильмида. 22.30 «Кумушранг шарф». Юрий Григорович. 23.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Франциядан олиб кўрсатилади. Тонаффус пайтида (00.50) — Янгиликлар.

Қоз-ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».

* * *

15.50 «Хит-парад». 16.00 «Говушлар музейи». 16.30 «Курманжозининг 175 йиллигига». 16.55 «Ўтуқ» салони. 17.00 «Сокин сувлар». Телесериал. 18.00 Бола тилидан». 18.35 «Ўртадошлар». 19.00 «Далласъ. Телесериал. 20.00 «Оқшом. Ахборот кўрсатуви. 20.40 Спорт янгиликлари. 20.50 Мусиқий дақиқалар. 21.00 Бадиий фильм. 22.40 «Ўтуқ» салони.

ЧОРШАНБА

1 ИЮЛЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Қизил гулинг бўлайми». Мусиқий дастур. 9.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури. «Мазрифат масканлари». 9.35 «Жаҳон театри». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Инсон ва замин». Телеэнциклопедия. 10.30 Абитуриентлар, сизлар учун. Она тили. 11.00 «Муштарак қўнғироқлар». Кинокўрсатув. 11.30 Абитуриентлар, сизлар учун. Ўзбекистон тарихи. 12.05 «Ёлқин». Мультфильм. 12.15 «Сталор сўзи — оқлиниг қўлга топтасидан.

*

12.55 Кундузги сеанс. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадиий фильм. 1-серия. «Аббат Фариа».
14.10—14.30 «Бармоқлар сеҳри».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Умид учқунлари». Телеэнциклопедия. 18.30 «Нуқтаи назар». 18.45 Б. Бойқобилов. «Янги Ҳамса». 19.05 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Бирдан бир миллионгаъ». 1-қисм. 21.25 «Ешлар» телеканали. 1. Сиз ва биз». 2. «Сочиниинг савдоси тушди». 22.25 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 24.00 «Ахборот». 00.25 М. Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 18-кўй. 01.05–01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дарахчи». 18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари». 18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал. 19.05 «Дойче Веллє» тақдим этади... 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Тарона». 20.15 «Билиб қўйган яхшиси». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Телеэнома». 21.20 «Сўз хусусида сўз». 21.30 «Ўзбекнома мактублар». Телесериал. 22.15 «Дарахчи». 22.25 Экранда — кинокомедия. «Майсарнинг иши». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Оҳанглар ва эълонлар. 23.30 «Майсарнинг иши». Бадиий фильм. 2-серия. 00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнома чоршанба». Кинокўрсатув.

*

6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.

*

20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.00 РДТ. «Вести».

*

21.30 Эълонлар.
21.30 «Е ҳаёт, ё мамот». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 «Спортлотто». 20.45 «Таклифлар ва тавсиялар». 21.05, 23.00 — Эълонлар. 21.10 «Морена Клара». Телесериал. 21.55 «Шифокор қабулида». 22.05 «Автосалтонат». 22.15 «Тафаққат тушлари». 22.40 «Дурдаршоҳ». 23.05 «Олтин хазина». А. Навоий. «Искондар». А. Қодирий номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 23.55—00.05 «Хайрли тун!».

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!». 8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.45 — Янгиликлар. 8.15 «Машъум мерос». Сериал. 9.00 «Мавзу». 9.45 «Хайвонот оламида». 10.25 «Жентльмен-шоу». 11.20 «Бирғалашиб» дастури. 12.00 Ивар Калининг «Де Граншон оиласининг сирлари» детективида. 1-серия. 13.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. 2-тайм. Франциядан кўрсатилади. 14.20 Мультсериал. 14.45 «Қойилмақом дарвоз». 15.15 «Олтин атиргул ғоғи». 15.40 «Олтин атиргул ғоғи». Сериал. 16.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 16.30 «Оламга саёҳат». 17.20 «Машъум мерос». Сериал. 18.05 «Тигиз пайт». 18.30 Леонид Ярмолгнк «Олтин талвасаси» дастурида. 19.10 «Инсон ва қонун». 19.45 Хайрли тун, кинчинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 «Фантоши иккинчи даражодаги роллардаҳ». Комедия. 22.45 Венесса Мэй Москвада. 23.15 «Париж тоймлари». Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

Қоз-ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».

* * *

15.50 Хит-парад». 16.00 Телефильм. 16.30 «Замин». Экологик альманах. 16.50 «Омонат». 16.55 «Ўтуқ» салони. 17.00 «Секин сувлар». Телесериал. 17.00 «Бола тилидан». 18.35 «Ўртадошлар». 19.00 «Далласъ. Телесериал. 20.00 «Оқшом. Ахборот кўрсатуви. 20.40 Спорт янгиликлари. 20.50 Мусиқий дақиқалар. 21.00 Бадиий фильм. 22.40 «Ўтуқ» салони.

ПАЙШАНБА

2 ИЮЛЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Эй тонги сабо». Концерт. 9.05 Болалар учун. «Она тилим — жону дилим». 9.20 «Шарқ тароматари». 9.40 «Рокс, рокс, рокс». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Кишлоқ ҳаёти». 10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Биология. 11.00 Янги алифбоси ўрганамиз. 11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Физика.

*

12.05 «Кетмас давлат версия».
12.30 Кундузги сеанс. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадиий фильм. 2-серия. «Граф Монте-Кристо».
13.35 «Соғлиқ солдим Алпомишиҳ».
14.10—14.40 «Жаровна». Телеэнурнал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча». 18.30 «Ҳарита». Халқаро шарҳ. 18.45 «Дунё адабиёти». Софокл. 19.05 «Ҳидоят сари». 19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ўзма-ўзи». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 Парламент соати. 21.20 Мен нечун севомон Ўзбекистони. «Туғилган ер». 1-қисм. 21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. Эстрада қўшиқлари телетанлови. Экранда — Сурхондарё вилояти. 23.10 «Ахборот». 23.35 «Сомон йўли». 00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дарахчи»(рус тилида). 18.15 «Ароғаш ва кўрқаш». Болалар учун дастур. 18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 18.55 «Катта танафўс». Телеўйин. 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Бир жўфт қўшиқ». 20.05 «Тобобат оламида» (рус тилида). 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ийманч». 21.25 Мирзоҳид Мулаҳедов қўйнойди. 21.55 «Дарахчи»(рус тилида). 22.05 Оҳанглар ва эълонлар. 22.25 «Юлдузли экран». 24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.

*

6.30 — 8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.
20.40 «Ғомозиум Букоров. Телефильм.
21.00 РДТ. «Вести».

*

21.30 «Болаликка хизмат».
21.50 Эълонлар.
21.55 Роберт де Ниро «Кулги қироли» фильмида.
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари.

* * *

15.50 «Хит-парад». 16.00 Сахна янгиликлари. 16.30 Телефильм. 16.50 «Омонат». 16.55 «Ўтуқ» салони. 17.00 «Сокин сувлар». Телесериал. 18.00 «Бола тилидан. 18.30 «Йулдузи қайдлар». 18.50 «Бланкосиз дориномалар». 19.00 «Далласъ. Телесериал. 20.00 «Оқшом». Ахборот» кўрсатуви. 20.40 Спорт янгиликлари. 21.05 «Қўлдузлари тўғри келмадиҳ. Бадиий фильм. 22.20 «Ўтуқ» салони.

ЖУМА

3 ИЮЛЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Шаҳрим қамали ва жамолим». Премьера. 8.55 «Ўзма-ўзи». 9.15 «Гўр бир ёғ», чамаи бир ёғ». Мусиқий дастур. 9.40 «Ҳоёт чашмалари». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Тоғаб ва тоғлиқ». 10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё. 11.00 Немис тили.

*

11.30 «Инсон ва қонунга хатлар. 12.05 Кундузги сеанс. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадиий фильм. 3-серия. «Интиқом». 13.40 «Шоирлар — болаларга». 14.10 «Муҳаббатим қалб ардоғида». Кинокўрсатув. 14.35—14.50 «Харита». Халқаро шарҳ.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Кимматлар хазинаси». 18.25 «Тилга эътибор». 18.45 «Бозор рокабати — сифат кафолати». 19.05 «Етти иклим садоси». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ғомонак тилаймиз». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Опера саньати қлдузлари». Муссор Раззоқова. 21.30 Мен. нечун севомон Ўзбекистони. «Кораколпоқ қиссаси». 2-қисм. 22.00 «Ўйғоқ қунлар». Кинокўрсатув. 22.25 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. 24.00 «Ахборот». 00.25 М. Бобоев. «Кўнгил қўчалари». Видеофильм. 19-кўй. 01.05–01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дарахчи». 18.15 «Ериштош». Мультўплам. 18.25 «Ўйна, болажон, ўйна». 18.45 «Экранда — Давид Копперфилд». 19.05 «Хусусийлаштириш: қойин-бақодам». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 —Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Сўз ва соз оҳанглари». Тожикистон халқ артисти Маъруфхўжа Баҳодиров. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Дубляж». 21.20 «Ўзбекнома мактублар». Телесериал (охирги серия). 22.05 Бокс. Бокс. Бокс. 22.25 «Дарахчи». 22.35 Саргузашт фильмлар экрани. «Гераси саргузаштари». 23.15 «Гиннес-шоу». 23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

*

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Тонаффус пайтида «Франция-98» кундалиги. 02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».

*

6.30—8.00
17.20—20.40
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

21.00 РДТ. «Вести».

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Оскар совриндорлари: «Чакмоқли давон» (1939 йил). Бадиий фильм.
23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 «Тўмшқаси кеҳлаҳ йўқ». 19.25 «Мазмаҳвет ва Ислом». 19.45 «Соломат бўлинг». 20.05, 21.50 — Эълонлар. 20.10 «Морена Клара». Телесериал. 20.55 «Бегойим». 21.20 «Дурдаршоҳ». 21.55 Кинематограф. «Шошилинч чақирув». 23.25 Араб эстрадаси. 23.55—00.05 «Муновавр тонг исто6...»

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!» 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар. 8.15 «Машъум мерос». Сериал. 9.00 «Совҳатчилар клуби». 9.55 «Смак». 10.15 «Қонаки қутубхона». 10.25 «Янгра, гармонь!» 11.15 «Бирғалашиб» дастури. 12.00 «КВН-98». 14.20 «Сариқ жамадон» саргузаштлари». Фильм-эрток. 15.35 «Сезам қўчаси». 16.05 Игорь Угольников «Фруттис чердаги» дастурида. 16.30 «Оламга саёҳат». 17.20 «Машъум мерос». Сериал. 18.10 «Сиҳат-саломатлик». 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кинчинтойлар! 20.00 «Время». 20.40 Буюк ижқуворлар: Коломбо «Кисқа туташув» детективида. 22.15 «Нигоҳ». 23.00 «Опа-сингиллар». Бадиий фильм. 23.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Франциядан олиб кўрсатилади. Тонаффус пайтида (00.50) — Янгиликлар.

Қоз-ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».

* * *

15.50 «Хит-парад». 16.00 «Офицерлар». Ҳужжатли фильм. 16.20 «Кореа сараму». Корейс тахририятининг кўрсатуви. 16.50 «Омонат». 16.55 «Ўтуқ» салони. 17.00 «Кассиораёв». Телесериал. 18.00 «Бола тилидан». 18.35 «Ўртадошлар». 19.00 «Ғомбурлик полициячилар». Детектив. 20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви. 20.40 «Саломатлик учун инвестициялар». 21.00 «Капитанга турмуша чиқиш». Бадиий фильм. 22.25 «Ўтуқ»салони.

ШАНБА

4 ИЮЛЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

*

8.25 «Республика газеталарининг шарҳи». 8.40 «Мусиқа бўстони». Телевальмонах. 9.00 «Шоҳруҳ» клуби. 9.20 «Ешлар» телеканали. 1. «Шу Ватанга бордир менинг қарзим». 2. «Қувноқлар ва зукколар». 3. Соғлом авлод учун». 4. «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 5. «Кўйла, йшнигим». Мусиқий дастур.

* * *

11.20 «Сурат ва сийрат». 11.45 Болалар учун. «Қизиқорин ўқувчилар». 12.15 «Туркий қавмлар». 12.30 Ф. Богданов. «Тунги меҳмон. Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 13.40 «Ҳоёт сабоқлари. 14.10 «Қатта танафўс». Телеўйин. 14.40—15.10 «Маъновиятъ. Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Саньат қунчалари». 18.20 «Мувозонат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув. 18.40 «Бахтли воҳеа». 19.25, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Ўзбекистон янгиликлар» (жестлар тилида). 20.15 «Жаҳон спортиҳ. 20.30 «Ахборот». 21.00 Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси қунларининг тантанали ёпилиши. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади. Ёпиб олинган. 22.30 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. 00.05 «Ахборот. Кўнги ёқуқ дам олиш дастури 00.30 ЎзТВ эранида биринчи марта ўзбек тилида «Поликушки. Еттн қисмли бадиий фильм. 7-қисм. 01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Боланинг тили». 8.15 Тоир Юнус. «Бири кам дунёв. Мусиқий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 9.45 «Спорт қитъаси». 10.05 «Гулдаста». 10.15 «Ҳанда дўхонн». 10.40 «Ташаккур». Телесериал. 11.30 «Ўзбекистон — Ватанним менинг». Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган ИИВ ходимлари бадиий ҳаваскорлари кўрик-танловининг якунлари (такрор). 11.55 «Тавҳид». 12.10 Болалар экрани. 13.30 «Франция-98». 14.20 «Саньат ва маданий ва сиҳ». Телесериал. 15.10 «Қилиб қўйган яхши. 15.25 «Санта-Барбара». Телесериал. 16.10 «Кўнгил қунгилга пайванд». 16.40 «Янги ой чиққан кеча». 16.55 «Санта-Барбара». Телесериал. 17.40 «Ериштош». Мультўплам.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Дарахчи». 18.15 «Ў ким? Бу нима?». 18.30 Спорт қитъаси. 19.00 «Кинотақдим». 19.20 «Мусиқий лаҳзалар». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Бизнес академия». 20.10 ТВ ва театр. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Далласъ. Телесериал. 21.45 Кинокомедия. 22.05 «Кондиционлигга осойишталик тилаймиз». 22.35 «Дарахчи. 22.45 «Кинолиг». «Лос-Анжелес сирлари». 1-қисм. 23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

*

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Тонаффус пайтида «Франция-98» кундалиги. 02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.50—20.35
Россия жамоат телевидениеси кўрсатувлари.
20.35 «Теле-шифокор».
20.50 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт.
21.20 «Минг бир кеча».
21.50 Эълонлар.
21.55—23.25 «Сайёҳлар эрмоғи». Бадиий фильм.

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаси».
11.15 «Бу ажиб дунёв.
11.35 «Роксар қонатлиҳ.
11.55—12.25 «Япониннинг очилиши. Ҳужжатли фильм.

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси кўрсатувлари.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 20.35 Авторейд. 20.45 «Далия ва шарқ». 21.00 «Спектаклдан сўнг». 21.20, 22.25 Эълонлар. 21.25 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 22.10 «Ҳит коллекция». 22.30 Кинослон. 23.50—24.00 «Хайрли тун!».

РЖТ

7.00 Евгений Меньшов ва Пётр Глебов «Тирик қолишга ҳаракат қил» саргузашт фильмида. 8.10 Мультфильм. 8.45 «Руҳний сўзи. Митрополит Кирилл. 9.00, 14.00, 16.45 — Янгиликлар. 9.10 «Қонаки қутубхона». 9.30 «Тонгги почта» Юрий Николаев билан. 10.05 «Қоламбур». Ҳажвий журнал. 10.40 «Смак». 11.00 «Бир нодир асар тарихи». 11.30 «Америка М. Торатуо билан». 11.50 Мультфильмлар. 12.25 Алла Лорионова ва Александр Вертинский «Тантиқ Анна» фильмида. 14.20 Лев Николаев «Цивилизация» дастурида. 14.50 Алла Пугачёва, Муслим Магомаев ва бошқалар «Июль қорғи концерт дастурида. 15.20 «Қайвонот оламида». 16.00 «Бу қандай содир бўлган эдиҳ. «Свердловск»да Сибирь қуйдирғиси эпидемияси. 1979 йил. 17.10 «Александр Вертинский». Э. Рязановнинг муаллифлиқ дастури. 1-қисм. 17.50 Андрей Мягков ва Валентин Гафт «Вертикал бўйлаб пойлаган детективда. 1-серия. 19.10 «Жентльмен-шоу». 19.45 Хайрли тун, кинчинтойлар! 20.00 «Время». 20.35 «Нима? Қаерда? Қачон?» Финал. Кўрсатув тугаги — Лино Вентура «Палермода юз қунъ детективида. 23.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Франциядан олиб кўрсатилади.

Қоз-ТВ

8.00 «Ҳақиқат». 8.20 «Сиҳат-саломатлиқ». 8.40 «Талабалар саҳнасида». 9.00 «Ерҳем-ой». 9.25 «Экспресс-FOOD».

* * *

15.55 «Ўтуқ» салони. 16.10 «Ўмр — оқар дарёв. 16.35 «Сифатъ. 17.30 «Мусиқий маҳмонҳонада». 18.00 «Спортъ» телеканали намойиш этади. 19.00 «Бойтумор». 19.30 Телевикторина. 19.50 «Ўйқурилиқбанки: уйга ёзиф». 20.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви. 20.40 «Давлат туташгандаҳ. 21.00 «Обериальдининг сири». Бадиий фильм.

ЯКШАНБА

5 ИЮЛЬ

ЎзТВ-I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камолот». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ешлар» телеканали. 1. «Ватанимга хизмат қиламанъ. 2. «Талабалик йилларим». 3. «Учинчи эҳтимол». 4. «Ҳамроҳ». 5. «Ешлар ва эстрада».

* * *

12.30 «Ёзувчи ва замон». 12.55 «Қувноқ стартлоҳ». Телемусобақа. 13.35 «Чолиқуш». Етти қисмли бадиий фильм. 5—6-қисмлар. 15.25—15.55 «Нурли қолажак».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Фламинго». 18.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Дилга якин қўшиқлар». Фильм-концерт премьераси. 19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.25, 20.00, 21.10 — Эълонлар. 19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида). 20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Таҳлилнома». 21.15 «Якшанба оқшомидаҳ. Мусиқий-дам олиш дастури. 21.40 Телевизион миниатюралар театри. 22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. 23.50 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс. «Аср мўъжизаси» кинодастури 24.00 Кино янгиликлари. 00.15 «Тақдир сўқмоқлари». Бадиий фильм. 1—2-сериялар. 01.50—01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Ўйна, болажон, ўй